ҲАЙДАР ХОЛОВ

ПОКДОМОН СУЛОЛА

**Самарқанд шаҳрида истиқомат қилаётган
Ҳожиевлар сулоласи ҳаётидан лавҳалар.**



Самарқанд 2024

Масъул муҳаррир: Эркин Ҳожиев – Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, профессор.
Тақризчилар:
Фарҳод Ализода – Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети фахрий профессори
Мусо Йўлдошев – филология фанлари доктори, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори.

Азиз китобхон!

Рисолага “Покдомон сулола” деб ном бердик. Зеро, Нормуҳаммад Ҳожиев ўзининг аввалда машаққатли, кейин суронли, ўта зийраклик билан бажарилиши лозим бўлган вазифалари, бунёдкорлиги, узоқ-яқин кишиларига кўрсатган хайру-саховати билан кечган ўта мазмунли умри давомида ўзининг ғайрат-шижоати, ишбилармонлиги, софдиллиги, доноларча фикр юрита оладиган қобилияти сабабли ҳеч ҳам бировга зориқмаган, ўзгадан мадад кутмаганлиги оқибатида нимага эришган бўлса, суянчиқларсиз, ўз меҳнатлари самараси ўлароқ эришган.

Боз устига, самарали умрининг мевасини ва фарзандлари камолини кўриш насиб этиб, ёруғ дунёдан мамнун кўз юмиш бахтига муяссар бўла олган инсон.

Унинг аждодларида бўлган ҳалоллик, серғайратлилик, тартиб-интизом, озодалик, хуллас бир сўз билан таърифланганда покдомонлик авлодларида ҳам давом этиб келган ва шу тарзда давом этмоқда.

Нормуҳаммад Ҳожиевнинг ибратли ишлари ёшларни фикр юритишга, умрининг ҳар лаҳзасини авайлаб-асрашга чорлайди деб, ўйлаймиз. Мазкур рисолани ёзишдан мақсад ҳам шу.

КИРИШ СЎЗИ

Ўғлим сўрамасман сендан мол, дунё,
Уй ҳам қуриб берма, майли аломат.
Майли кўзларимга бўлмагин зиё,
Ёнимда юрсанг бас соғу саломат.

Майли кўтармагил мени елкангда,
Қалқон ҳам бўлмагил ёғса маломат.
Бир куни ёстиққа бошим етганда,
Тепамда турсанг бас соғу-саломат.


Абдулла Орипов.
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Нормуҳаммад Ҳожиевнинг бош фарзанди Эркин Хўжаев Абдулла Ориповнинг мазкур сатрлари орқали падари бузрукворининг қалбида сақланган сўзларини ушбу шеърда ифодалаб бера олди.

Нормуҳаммад бобонинг номи тилга олинганда Самарқанд шаҳрининг хоҳ эски шаҳар қисми бўлсин, хоҳ Боғишамолу Панжоб мавзелари бўлсин – қўйингки, азим шаҳримизнинг деярли барча маҳаллалари, Самарқанду Тойлоқ туманлари, Каттақўрғон шаҳар ва тумани аҳолисининг кўз олдида салобатли, оғир ва босиқ, қатъиятли, фикри-зикри халқ фаровонлиги ва ободончилиги билан банд бўлганлиги кўзларидан кўриниб турадиган, ўта сахий ва меҳрибон, ҳар бир кишига самимий муомалали инсон гавдаланади.

АЖДОДЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ.

Нормуҳаммад бободаги қатъиятлилик ва кесгирлик, тартиб-интизом, ободончилик, хонадонларнинг ораста, ҳовли-жойлар ва хонадонларнинг оддий бўлсада, ораста, кўркам ва жозибали, дилтортар бўлиши, тўй-маъракаларнинг мазмунли ва тартиб билан ўтиши учун жон куйдириш ва шу каби кўпдан-кўп ижобий хислатлари туғма бўлиб, улар унга катта бобоси **Ҳожи Муҳаммадёрбой** ва унинг ўғли **Содиқ** бойваччалардан ўтган. Ўз навбатида уларнинг ҳам ўтмиш аждодларида ҳам шу каби хислатлар бўлгани табиийдир.



Расмда: Нормуҳаммад Ҳожиевнинг отаси Ҳожи бобо Содиқов. 1950 йил.


Биздаги маълумотлар бўйича Ҳожиевлар сулоласи ота-боболарининг яшаб ўтган манзиллари Самарқанд шаҳрининг Бешгужум маҳалласида бўлган. Ўзининг масжиди, сув тўла ариқлари, сарҳовузи ва мевазор майдонлари бўлган ушбу сўлим қишлоқ Аждармаҳалла билан Панжоб қабристони оралиғида бўлган. Ҳозир унинг бир қисмини Амир Темур номли кўча кесиб ўтади.

Ҳожи бобо дастлаб бойлар қўлида мардикорчилик қилган, кейин баққолчилик билан шуғулланган, маълум бир муддат чойхоначилик ҳам қилган. Ўта тартибли бўлгани учун уни "Ҳожи тартиб" деб аташган. Чойхонага келган мижозларнинг нафақат одоб сақлаб, чиройли ўтиришларини, балки нос, папирос чекмасликлари, ҳатто калишлари бир текисда терилиб турилишини ҳам қатъий талаб қилиб турар экан. Агар бирор бегона киши чойхонага ёки унинг уйига келиб, нос чекиб тупурса, ўша жойни унинг кўз олдида латта билан артиб тозалаб, ҳатто оқлаб ҳам қўяр экан.Ҳожи бобо 1953 йилда вафот этган.

Унинг турмуш ўртоғи **Гулсум** 1880 йилда туғилган, асосан уй бекаси бўлган, эрининг юмушларида унга кўмакчи бўлган, 1920 йилда вафот этган.

МУНОСИБ АВЛОДЛАР

Ҳожи бобонинг фарзандлари: **Алимуҳаммад, Нурмуҳаммад, Нормуҳаммад, Ҳалима, Кубро** (охиргиси Ҳожи бобонинг иккинчи хотинидан дунёга келган) – ҳаммалари ўқимишли кишилар бўлишган.



Алимуҳаммад, Нурмуҳаммад, Нормуҳаммад.

Ҳожи бобонинг бош фарзанди Алимуҳаммад 1907 йилда туғилган. 1929-1932 йилларда Самарқанд шаҳрининг ҳозирги Фирдавсий номли кўчасида жойлашган шойи тўқиш фабрикаси ўрнида ташкил этилган артелда биринчи асбоб-ускуналарни ўрнатиб, шойи ва бахмал тўқиш ташкилотчиларидан бири бўлган. У Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда тегишли равишдаги саводи бўлганлиги учун Жомбой тумани молия бошқармаси бошлиғи вазифасида ҳам ишлаган. Кейинчалик

Самарқанд туманидаги Гулистон колхозига қарашли ғишт заводида директор вазифасида ишлаган.

Дин илмини мукаммал билган, Қуръонни чиройли қироат қила олган, савобгарлик, яъни титилган Қуръон ва китобларни реставрация қилиш билан ҳам шуғулланган. Унинг бўш вақти умуман бўлмаган. Миришкор деҳқон, соҳибкор, ошпаз, умуман ўша давр учун қайси касбни билиш зарур бўлса, ҳаммасини чиройли уддалай олган. Ўзининг маҳалласида чойхоначилик ҳам қилган, отаси каби ўта тартибталаб бўлган. 1977 йилда вафот этган.

Алимуҳаммад бобо турмуш ўртоғи **Азизабону** билан 9 нафар фарзандларни тарбиялаб вояга етказганлар. Булар: **Мўмина, Суғро, Аскар, Моҳира, Мансура, Роҳила, Фотима ва Зуҳро эгизаклар, Тоҳиралардир.** Қизларининг тўрт нафари ўқитувчилик касбини танлаб ёш авлодга билим бериш ва тарбиялашда баҳоли қудрат меҳнат қилганлар ва эл ҳурматига сазовор бўлганлар. Ягона ўғил фарзандлари **Аскар** Самарқанд озиқ-овқат техникумини аъло баҳолар билан битириб, шу соҳада узоқ вақт ишлаб келган. Кейинчалик Самарқанд шойи тўқиш фабрикасида дастгоҳларни тузатиш устаси вазифасида ишлаган.



Ҳожи бобонинг ўртанчи ўғли **Нурмуҳаммад** 1911 йилда Бешгужум маҳалласида туғилган. 1927-1929 йилларда Коммуна мактабини ўқиб битирган. Шу йилнинг ўзида Самарқанд шаҳридаги ер тузув гуруҳида статистика ишини олиб борган ва шу ердан Москвадаги қишлоқ хўжалик институтига ўқишга юборилган. 1933 йилда ўқишни ниҳоялагач, она юртига қайтиб, Оқдарё туманидаги машина-

трактор станциясида (МТС) комсомоллар иши бўйича сиёсий бўлим бошлиғининг ўринбосари вазифасида ишглаган. 1939-1940 йилларда Хўжасаҳатдаги 7-тўлиқсиз ўрта мактаб (ҳозирги 71-мактаб) директори вазифасида ишлаган. 1939-1941 йилларда Самарқанд педагогика институти тарих факультетининг кечки бўлимида ўқиган. 1941 йилда аввал Самарқанд туман халқ таълими бўлимида, кейин эса Самарқанд вилоят партия комитети ҳарбий бўлими йўриқчиси, Пастдарғом туманидаги сут заводи директори, Зирабулоқ қанд заводи директорининг ўринбосари, Самарқанд шаҳридаги 17-ғишт заводи директори, 26 Боку комиссарлари номидаги Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси директори ўринбосари, Самарқанд шаҳридаги 16-ғишт заводи директори, вилоят ижроия қўмитаси коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи, вилоят колхоз қурилиши трестида катта муҳандис вазифаларида ишлаган. Меҳнат фаолияти даврида бир неча марта Самарқанд тумани, Самарқанд шаҳар кенгашига депутат этиб сайланган. Меҳнатлари муносиб тақдирланган. “Ҳурмат белгиси” ордени, “Шавкатли меҳнати учун” ва “Меҳнат фахрийси” медаллари билан мукофотланган. 1990 йил вафот этган.

У умр йўлдоши **Фотиманисо** билан узоқ яшаганлар. Уларнинг ўз фарзандлари бўлмаганлиги сабабидан яқин қариндошларининг икки нафар фарзандларини тарбиялаб вояга етказганлар.

Шулардан бири **Мансура** мактабни аъҳло баҳолар билан тугатиб, Самарқанд давлат университетининг химия факультетида таҳсил олган. Ўқишни якунлагач, то умрининг охиригача Самарқанд кооператив институтининг химия кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаган. Унинг умр йўлдоши **Ҳошимов Шавкат** ҳарбий хизматчи бўлиб, полковниик даражасигача етган ва Самарқанд шаҳрининг иккита туманларидаги ҳарбий комиссариат бошлиғи вазифаларида ишлаган. От изини той босади деганларидек, уларнинг бош фарзандлари **Олимжон** подполковник даражасига етишиб, Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариатида ишлаб келмоқда. Иккинчи фарзандлари **Аминжон** хусусий тадбиркор.



Ҳожи бобонинг биринчи қизи **Ҳожиева Ҳалима** 1920 йилда туғилган, ўқитувчилар тайёрлаш курсларида таълим олган, бир муддат ўқитувчилик қилган, аммо оилавий шароити сабабли кейинчалик ишлай олмаган ва қолган умрини фарзандлар тарбиясига бағишлаган. 1960 йил 8 июлда касалликдан вафот этган.

Унинг турмуш ўртоғи **Холиқов Маматқул** бир умр қишлоқ хўжалиги соҳасида агроном, уруғчилик хўжалигининг бошлиғи вазифасида ишлаган. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” унвонига сазовор бўлган. 1985 йилда вафот этган. Уларнинг биргаликдаги турмушларидан етти нафар фарзандлари дунёга келган. Бош фарзанди **Муборак** Самарқанд давлат университетини ўқиб битириб, бир умр мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1977 йилда касалликдан вафот этган. Ўғли **Акрам**

ҳарбий соҳада хизмат қилиб, подполковник даражасига етган. Ҳозирги кунда унинг ўғли **Азиз** ота изидан бориб, ҳарбий соҳада командир вазифасида хизмат қилиб келмоқда.

Холиқов Маматқул ва Ҳожиева Ҳалиманинг тўнғич ўқиллари **Музаффар** Тошкент политехника институтини ўқиб битириб, Навоий кон-металлургия комбинатида бош энергетик вазифасида ишлаб, кейинчалик Ўзбекистон Геология қўмитасида ўша вақтдаги "Ўзбекзолото" бирлашмасининг бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатган. 2023 йилда вафот этган.

Қолган фарзандлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилиб келмоқдалар.



Ҳожи бобонинг иккинчи қизи Ҳожиева Кубро 1930 йилда туғилган, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлаган, 1996 йилда вафот этган. Унинг турмуш ўртоғи **Шариф Самадов** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Югославия ва Италияда фашистларга қарши партизанлар ҳаракатида фаол иштирок этган ва бу отрядга раҳбарлик қилган. Бу ерда у Алессандро номи билан танилган. Тошкендаги "Ғалаба боғи" мемориал комплексидаги мемориал музейда унинг расми қўйилган. Унинг қаҳрамонликлари ҳақида

“Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг жасорати ҳақида ҳужжатли ҳикоя ва қиссалар туркумидан” Ўзбекистоннинг таниқли журналистлари Аҳмаджон Мухторов ва Нормуҳаммад Сайфиддиновлар томонидан ёзилиб, 1985 йил Тошкентдаги “Ёш гвардия” нашриётида чоп этилган “Мангуликка дахлдор” номли китоб экспонат сифатида сақланмоқда. “Халқ сўзи” газетасиннг 2020 йил 2 май сонида Шариф Самадовнинг қаҳрамонлиги ҳақида Асрор Рўзибоевнинг мақоласида ҳам маълумот берилган.

Шариф Самадов 1983 йилда вафот этган. Италиянинг Милан шаҳрида уруш қаҳрамони сифатида битта кўча унинг номига қўйилган.



ҲОЖИЕВ НОРМУҲАММАД

Бу таниқли инсон ҳақидаги хотираларни юртимизнинг кўзга кўринган қомусий олимларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ғайбулла Ас-Саломнинг қуйидаги сўзлари билан бошлаш ўринлидир: “Умримиз мисоли

карвон, сокин қўнғироқ чалиб ўтиб кетаверади. Ортда қолган излар, сўзлар, қалб оҳанглари авлодлар йўлларини ёритади. Аслида бизнинг ўзимизга, ишларимизга ҳақиқий баҳони вақт белгилайди. Келажак авлодлар ёдида яшаш бахти эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун қисқа фурсат бўлган умримизни савобли ишларга бахшида этмоғимиз зарур. Ортимизда тикану, ўнқир-чўнқир йўл эмас, балки мазмунли умр китоби қолиши керак. У эртага фарзандларимизга биз ҳақимизда ҳикоя қилади" ("Хотира уйғонса гўзалдир". "Зарафшон" газетаси 2009 йил 14 декабрь).

Нормуҳаммад Ҳожиев 1914 йил 19 июнда Самарқанд шаҳрининг Бешгужум маҳалласида дунёга келган. Ўзбекистонда шўролар ҳукумати ўрнатилган пайтларда оила бошқа кўпчилик оилалар қатори қашшоқ ҳолда турмуш кечирган. 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг акалари ёнида Нормуҳаммад ҳам дурадгорла**р** қўлида ёлланма ишчи сифатида иш бошлашган.

Йигирманчи йилларнинг охирларига келиб Самарқандда биринчи кичик саноат корхоналари артеллар шаклида пайдо бўла бошлаган. Шулардан бири 1929 йилда ташкил этилган "Нафосат" деб номланган шойи тўқиш артели бўлган. Унинг раҳбари Қамбар Обиддинов шу ерда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолининг йигит-қизларини ушбу корхонада ишлашга жалб қилган. Бу вақтда анчагина улғайиб, кучга тўла бошлаган Нормуҳаммад катта акаси Алимуҳаммад билан шу артелга кириб ишлай бошлашган. Аммо давлат корхонасида ишлаш учун унинг ёши етмаганлиги сабабли ҳужжатларида ёшини икки ёшга катта қилиб олган. У шойи, бахмал тўқиш учун зарур бўлган ускуналарни ўрнатиш ишларида иштирок этган ва тўқиш сирларини мукаммал ўрганиб олгач, тез орада "девкор тўқувчи"лар даврасидан ўрин эгаллаган. Ҳар бир ишни кўнгилдагидек қилиб бажарадиган, касбдошлари ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган йигитни инструктор (ўргатувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи) қилиб тайинлашган. Улкан корхонада ҳалол меҳнатни, тўғри сўзни ва одамшавандаликни биринчи шарт деб билган коллектив орасидаги беш йиллик фаолияти унинг ҳаётида чуқур из қолдирди. У эгаллаган ҳунарини бошқаларга ҳам ўргата бошлаган.

Бу вазифада 1934 йилгача бўлган даврда ишлаган. 1934 йилда армия сафига чақирилган.Ҳарбий хизматнинг дастлабки йилларида Миркомил Миршаропов раҳбарлигидаги 19-ўзбек тоғли отлиқ дивизиянинг полкида, кейин эса Собир Раҳимов полк командирлигидаги 41-ўзбек тоғли отлиқ полкида аввал оддий аскар, сўнгра взвод командири бўлиб хизмат қилган.

Таърифлашларича, унинг омади чопиб, кунларнинг бирида дивизия қошидаги полк мактабига (бу мактабнинг бошлиғи Собир Раҳимов бўлган) курсантлар танланди. Барваста, чаққон ва чапдаст Нормуҳаммад синов машқларини қойилмақом қилиб бажариб борган. Ўқиш даврида ҳам бўш келмаган. Чиниқиб ва тобланиб, кичик командирларга хос хислат-фазилатларни сингдира борган. Айтишилприча, Собир Раҳимов аъло даражада ўқиган, машаққатли топшириқларни бажаришда қуролдошларига ўрнак бўлаётган Н. Ҳожиевга зўр ихлос қўйган экан.

Шу даврда сафдошлари томонидан ифтихор билан айтиладиган “Олға қадам, ташла қадам, келаётир Миршаропов дивизияси. Ура! Ура! Ура!” сўзлари билан айтиладиган жанговар дивизия қўшиғи унинг хотираларига яхши ўрнашиб қолган экан, умри давомида вақти-вақти билан уни хиргойи қилиб турган. Собир Раҳимов ўзининг қўл остидаги аскарларга ҳурмат билан қараб, уларга ҳар доим ёрдам кўрсатишга тайёр киши бўлган экан. Ҳали армия сафида бўлиб, таътил олиб уйга келган Нормуҳаммадни ва акаси Нурмуҳаммаднинг никоҳ тўйлари 1937 йил 17 август куни бўлиб ўтган экан. Бундан хабардор бўлган Собир Раҳимовнинг топшириғи билан бу тўйга от гўшти ва гуруч ҳадя қилинган экан. Алоҳида хизматлари учун эса гольфи шим ва қизил хироми этик совға қилишган.





Расмда 41-ўзбек тоғли отлиқ полки взвод командири Нормуҳаммад Ҳожиев умр йўлдоши Фотима Ҳожиева. 1937 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев ва Фотима ая бош фарзандлари Эркин билан. 1940 йил февраль.

Тўйдан кейин бир ой ўтгач, у ҳарбий хизматни тугатган. Ундаги ташкилотчилик ва ижрочилик қобилиятини ҳисобга олиб Самарқанд тумани ижроия қўмитаси махсус бўлим бошлиғи вазифасига тайинланганлар. Бу ерда унинг садоқатли хизматини пайқашгач, 1940 йилнинг февраль ойида собиқ Иттифоқ Давлат хавфсизлик органларига (ўша вақтдаги КГБ – Комитет Государственной безопасности) ишга ўтказилган. Аввалда Тожикистоннинг Сталинобод (ҳозирги Душанбе) шаҳрида махсус тайёргарликдан ўтган. Кейин эса давлатнинг махсус топшириғи билан Афғонистонга юборилган. Унга ишониб топширилган ушбу биринчи энг муҳим вазифани бажариши 1942 йилнинг октябрь ойигача давом этган.



Нормуҳаммад Ҳожиевнинг махсус хизматдаги даври. Афғонистон, 1942 йил.

Разведка ишларини у “Найза” тахаллусидаги ном билан олиб борган. 1943 йилда СССР, АҚШ, Буюк Британия давлатлари раҳбарлари Сталин, Рузвельт, Черчил иштирокларида Теҳронда ўтказилган Конференция иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда иштирок этган[1].

Махсус давлат вазифасини бажариб, Самарқандга қайтгач, 1943-1947 йилларда Самарқанд область партия комитетида ишлаган. Бу вақтда урушдан яраланиб қайтган Шароф Рашидов область партия комитетининг секретари вазифасида ишлаб турган бўлган. Иш жараёнида Ш. Рашидов билан бир неча марта турли муҳим масалалар юзасидан мулоқотда бўлишларига тўғри келган.

1947 йилда урушдан олдин бошланиб, уруш туфайли тўхтатилган Каттақўрғон сув омборини барпо этиш ишлари давом эттирилган. Бу қурилишга Самарқанд ва Бухоро областларидан икки юз мингдан ортиқ кишилар жалб этилганлар. Бу каби йирик бунёдкорлик ишлари собиқ Иттифоқ раҳбарияти назорати остида олиб борилган. Шу сабабли унинг раҳбарлари ҳам Кремль томонидан тайинланган. Нормуҳаммад Ҳожиевдаги қобилиятни яхши билган ва унга ишонган область партия комитетининг секретари Шароф Рашидовнинг тавсияси билан мазкур қурилишда у ўша вақтда ЦК ВКП (б) деб номланган (таржимаси: Бутуниттифоқ (большевиклар) Коммунистик партияси Марказий Комитети) Каттақўрғон сув омбори қурилиши партия қўмитаси секретарининг ўринбосари вазифасида иш олиб борган.

Сув омборидаги асосий ишлар қўл ёрдамида бажарилган. Сафарбар қилинган ишчилар кетмон ва белкуракларда ерни қазиб, тупроқни замбил ва ғалтакларда юқорига олиб чиққанлар. Қурилиш ишларининг бориши билан танишиш учун бир ойда камида бир маротаба Республиканинг бош раҳбари Усмон Юсупов ва ҳукумат аъзолари келиб турар эканлар. Улар ўзлари билан биргаликда тарғибот гуруҳларини ҳамда маданий тадбирлар, концертлар бериш учун Республиканинг таниқли санъаткорларини

[1] Одил Тагиров. Жизнь по воспоминаниям. Самарканд-Бухара. часть –II. 2023 г. стр. 249. Россиянинг Кемерово области музейида сақланаётган маълумотлар асосида тўплаган маълумотларидан.

олиб келиб туришган. Ана шундай гуруҳлар таркибида номи ҳаммага машҳур бўлган Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Карим Зокиров, Насим Хошимов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов кабилар ҳам бўлишган. Самарқанд ва Бухородан келган колхозчи дехқонлар, ишчилар ўртасида турли мусобақалар, жумладан курашлар уюштирилиб турган.

Журналист М. Мирбобоевнинг "Ленин йўли" гаетасида чоп этилган "Ҳаёт дорилфунуни" деб номланган мақоласида қуйидаги маълумотлар берилган: "Ўша кезлардаги тарғибот-ташвиқот ишларининг услуби ҳам ўзгача эди. Фақат агитаторларгина эмас, дам олиш пайтларида Н. Ҳожиевнинг ўзи канал қазувчилар, шоферлар ва қурувчилар даврасида бўлар, суҳбат пайтида энг юқори кўрсатгичга эришган кишилар ҳақида – уларнинг ибрати ва ҳиммати ҳақида гапириб берарди. Энг яхши зарбдорларнинг сурати, улар ҳақидаги мақола ва лавҳалар "Каттақўрғон ҳовузи" газетаси саҳифаларида эълон қилинарди. Н. Ҳожиев радио орқали эшиттириладиган хабарларнинг ихчам ва шинам, таъсирчан бўлишига алоҳида эътибор берарди".

Нормуҳаммад отанинг тўнғич ўғли Эркин Ҳожиев ҳикоя қилади: "Бу вақтда биз Каттақўрғонда оиламиз учун ажратилган бир ҳовлида яшардик ва концерт тадбирларда томошабин сифатида иштирок этардик. Оиламиздаги тўртинчи фарзанд шу ҳовлида дунёга келган. Отамнинг бу улкан қурилишдаги ташаббускорлик ва тиниб-тинчимасликлари, ишга берилиб кетган ҳолда ўз вазифаларини бажариб келаётганликлари сабабли, ФҲДЁ бўлими ходимининг: "Чақалоққа қандай исм қўямиз?" деб, берган саволига: "Қурилиш" деб, жавоб берганлар. ФҲДЁ ходими Нормуҳаммад акага бундай исм йўқ деганига қарамасдан, отам шу номни қўясиз деб, туриб олганлар. Шу тариқа укамга расмий Қурилиш деб ном берилган, аммо халқ орасида у онам қўйган Аҳмад исми билан танилган".

Эркин ака концерт тадбирларидан бири пайтида олган таассуротлари ҳақида ҳикоя қиларкан, яна бир воқеани ҳам эсга олди: "Республиканинг биринчи раҳбари Усмон Юсупов қурилиш

ишлари билан танишишга келиб, агитбригада томонидан берилаётган концертлар биз ҳам оила аъзоларимиз билан қатнашиб тургандик. У даврда ўтириш учун саноқли стуллар қўйилган бўлиб, қолган барча томошабинлар ерда ўтиришарди. Стуллардан биридан жой олган Усмон Юсупов ўша даврда ҳарбий раҳбарлар киядиган айвончали оқ кепкасини ечди ва ўзи ўтирган стул суянчиғи четига илди. Буни кўрган уч ёшга яқин бўлган укам Омон ўтирган жойидан сакраб тушиб бориб кепкани олди ва бошига қўндирди. Буни кўрган Усмон Юсупов завқланиб укамни кўтариб, пешанасидан бир ўпди-да, ерга қўйди".

1948 йилга келиб сув омбори қурилиши якунланди ва омборнинг салоҳияти Самарқанд ҳамда Бухоро вилоятларида деҳқончиликни ривожлантириш ва ерларни суғориш учун сув билан таъминланишида ҳозирги кунгача юқори даражада бўлиб қолмоқда.

1948-1953 йилларда Нормуҳаммад Ҳожиев халқ хўжалигининг турли корхоналарида раҳбар лавозимларида, бир муддат уран ковлаб чиқарадиган ёпиқ Ингичка кони бошлиғи вазифасида ҳам ишлаган.

1953 йилнинг октябрь ойида унга иккинчи марта муҳим давлат топшириғи берилган ва бу хизмат 1956 йилнинг декабригача давом этган. Бу давр эса Н. Ҳожиевнинг меҳнат дафтарчаларида "Тошкент шаҳридаги 34-илмий текшириш институти илмий ходими" деб, қайд этилган. Аммо у қайси мамлакатда махсус вазифани бажарганлиги ҳақида ҳеч қачон айтмаган.

Унинг ушбу хизмат сафари ҳақида ўғли Эркин Ҳожиев яна шундай ҳикоя қилади: "Бу хақда мен кейинчалик билиб қолдим. Отам пенсияга чиққанларида давлат олдидаги махсус ҳизматлари ҳисобга олинмаган ва пенсия жуда кам миқдорда чиқарилган. Шунда отам мени уйга олиб кириб, эшикни беркитиб қўлимга бир варақ қоғоз ва ручка олишимни сўрадилар. Мен айтганларини бажариб, ёзишга тайёр турдим. Шунда отам менга "ёз" дея, буюрдилар ва ўзлари айтиб турдилар, мен айтганларини қоғозга тушира бошладим. Ушбу мактуб собиқ СССР Давлат хавфсизлиги

Қўмитаси раиси Ю.В. Андропов номига битилди. Хат остига ўз фамилия ва исмларидан кейин махсус тахаллуслари “Найза” ни ҳам битиб қўйдик. Шунда мен отамнинг қайси мамлакатда давлатнинг қандай махсус топшириқларини бажарганлиларини билиб олдим. Бу ўша пайтда давлат сири эди ва узоқ вақт сирлигича қолди.

1956 йилда онам оғир хасталикка йўлиқдилар. Мен амакиларимининг маслаҳатлари билан Собиқ Иттифоқ Компартиясининг биринчи Секретари Н.С. Хрушчевга ва СССР Министрлар Советининг раиси Н.А. Бўлганин номларига дадамни Самарқандга қайтаришларини сўраб ариза ёздим. Мурожаатим ижобий ҳал этилиб, отам 1957 йилда уйга қайтиб келдилар”.

Самарқандга қайтгач, бир муддат дам олгандан кейин Нормуҳаммад Ҳожиев 1957-1962 йилларда Самарқандда чет элдан келадиган турист меҳмонларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Бутуниттифоқ акциядорлик жамияти таркибидаги “Интурист” ташкилотининг савдо хизмати бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган.

1962-1974 йилларда Ўзбекистондагина эмас, бутун Марказий Осиёда энг кекса ва машҳур бўлган “Сиёб” бозори директори вазифасида фаолият олиб борган. Бозорни тўлиқ реконструкция қилиш ва янги қиёфага киритиш ишлари шу йилларда унинг раҳбарлигида бошланган.

Унинг ўғли Қурилиш (Аҳмад) томонидан берилган маълумотда айтилишича, бозорни реконструкция қилиш вазифаси Н. Ҳожиевга топширилгач, бу ишни у аввал бошқа бозорларнинг кўриниши ва ҳолатини ўрганишдан бошлайди. Шу мақсадда ўша пайтдаги вилоят савдо бошқармасининг бошлиғи Шукуров Константин Шукурович билан биргаликда 1967 йилнинг ёз ойларининг бирида Ўзбекистондаги ва собиқ Иттифоқнинг Рига, Таллин, Вильнюс, Москва, Ленинград, Киев шаҳарларидаги катта бозорларини кўздан кечиришган. Бу саёҳатда Қурилиш (Аҳмад) суратга олувчи вазифасини бажарган. Киев шаҳридаги бозор қурилиши уларга маъқул бўлган. Олинган тажриба бўйича бозор ичидаги расталарни тўласинча бузиб, замонавий қилиб қуришга келишилган. Бу вақтда

бозор атрофи уч пахсали нақшинкор девор билан ўралган бўлган. Нормуҳаммад Ҳожиев ана шу деворни сақлаб қолишни ва реконструкция қилишни таклиф этган. Аммо ўша пайтдаги вилоят раҳбарлари унинг бу таклифини қабул қилишмаган ва тарихий девор бузиб ташланган. Шундай қилиб, бу девор ҳам кўплаб бузилиб кетган ёдгорликлар рўйхатидан ўрин олган.

“Сиёб” колхоз бозорининг фақат республикамиздагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда шуҳрат таратишида Нормуҳаммад Ҳожиевнинг хизмати бениҳоя катта бўлган. Дарвоқе, у бу ерга ишга келганида бозор сон-саноқсиз кўчма прилавкалар, бири-бирига суяниб қолган дўкончалар қуршовида бўлган. Умумий қиймати ярим миллион сўмдан зиёд бўлган павильонларни тиклашгина эмас, бозор ичидаги битта дўкончани ўрнидан қўзғатиш ҳам осон бўлмаган. Қурилиш бошлангунга қадар Нормуҳаммад Ҳожиевнинг югуриб-елиши натижасида реконструкция ғояси министрликлар томонидан маъқулланиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Шундай қилиб, замонавийлиги, савдо-сотиқ учун қулайлиги ва зарур ускуналар билан кам-кўстсиз жиҳозланган павильонлар қурилиши бошлаб юборилган ва икки-уч йил ичида унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган. Бу даврда ҳар қайсисида 400-500 киши савдо қиладиган иккита павильон қуриб фойдаланишга топширилган.

Бу ерга қўшни Сирдарё, Қашқадарё областлари ва Тожикистоннинг Ленинобод областларидан сабзавот, мева-чева ва полиз маҳсулотлари олиб келиш ҳам ҳаддан зиёд даражада кўпайиб борган. Хорижий мамлакатлардан келган саёҳатчилар “Сиёб” бозорида кўрганларини шавқ-завқ билан таърифлашган. Ўша вақтда бозор территорияси ҳам салкам икки гектарга кенгайтирилган.

Таърифлашларича, Нормамат Ҳожиевнинг ташкилотчилиги, талабчанлиги, оддий касб эгаларига нисбатан ўта меҳрибонлиги дангал кўзга ташланиб борган. Ҳаёт дорилфунунида камол топган инсон эмасми, у қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари билан ҳам, бу ерда ишлаб турган оддий қурувчилар билан ҳам тез тил

топишаркан. Унга қуруқ ваъда бериш билан иш битмаслигини ҳамма яхши биларкан. Ўз навбатида Нормуҳаммад Ҳожиев ҳам саратон жазирамаси, чилла изғиринини писанд қилмай ишлаётган кишиларга ғамхўрлигини канда қилмас экан.



Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимларининг Бутуниттифоқ маслаҳат йиғилиши. Москва. 1968 йил 15-16 июнь.
Расмда Н. Ҳожиевнинг ёнида Самарқанд вилоят матлубот жамияти раиси вазифасида ишлаган Асқар Дониёров.

Шу сабабдан у Москва шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ савдо ходимлари Қурултойи иштирокчиси бўлган. “Шавкатли меҳнати учун” медали, “Савдо ходими аълочиси” нишони ва бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Нормуҳаммад бобо 1974 йилда пенсияга чиққан. Шу пайтда яқин дўстларидан бири бўлган, Самарқанд шаҳридаги 1-вилоят касалхонаси бош шифокори Григорян Агалар Григорьевичнинг

илтимоси бўйича 1974-1980 йилларда ушбу муассаса хўжалик ишлари бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган. Бу даврда собиқ турма (қамоқхона) бўлган ушбу касалхона биноларининг қиёфаси тубдан ўзгарган. Мазкур касалхонанинг бир бўлими учун мўлжалланган кўп қаватли бино – ҳозирги вилоят болалар хирургияси маркази биноси унинг ташаббуси ва раҳбарликларида бунёд этилган.

Шундан кейин унинг ташаббускорлик ва бунёдкорлик тажрибаларини инобатга олиб, ўша даврдаги Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи секретари Бектош Раҳимов ва Самарқанд шаҳар партия комитети биринчи секретари Шакар Файзиевнинг таклифлари билан эндигина қурилаётган, аҳолиси гавжум бўлган Микрорайон халқи учун қулайлик яратиш мақсадида янги бозор қуриш вазифаси Н. Ҳожиевга юклатилган. Унинг бевосита раҳбарлиги остида ҳозирги Амир Темур кўчасидаги 3-мусиқа мактаби ва унинг атрофларини ўз ичига олган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи иккита йирик павильондан иборат савдо мажмуаси бунёд этилган ва 1987 йилда бу қурилиш ҳам муваффақиятли якунланган.

Кейинчалик унинг ўғли Давлат Ҳожиев бу бозорга раҳбар бўлган ва уни Самарқанддаги биринчи автомашиналар эҳтиёт қисмлари сотиладиган бозорга айлантирган. Бозор ўша даврнинг талаби билан “Нормуҳаммад Ҳожиев номли эҳтиёт қисмлар бозори” масъулияти чекланган жамиятига шаклида ташкил этилган. Халқ ичида машҳур бўлган бу савдо муассасисида минглаб кишилар иш билан таъминланганлар ва шунинг орқасида фаровон равишда оила тебратганлар.

Шунча ишлар билан банд бўлишларига қарамасдан тиниб-тинчимас хусусиятга эга бўлган Нормуҳаммад Ҳожиев ўзи яшаб турган Аждармаҳалланинг барча ободончилик ишларида ҳам ташаббускор ва фаол иштирокчи бўлган. Ўзининг уйи жойлашган Саидризо Ализода номидаги кўчани шаҳардаги намунавий кўчалардан бирига айлантира олган. Унинг бевосита раҳбарлиги ва ҳатто молиявий кўмаги билан кўчага замонавий тунги ёритгичлар ўрнатилган, ҳар бир хонадон уйларининг кўчага қараган қисми бир хил рангга бўялган, уйлар олдига мевали дарахтлар ва гуллар экилган, турли навдаги узум воишлари барпо этилган.

Нормуҳаммад Ҳожиев 1987 йил 9 июлда вафот этган. Аммо номи ҳали-ҳануз халқ орасида алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

УСТОЗЛАР ИЗИДАН

Нормуҳаммад Ҳожиев билан бирга хизмат қилганлар ва уларни ўзига устоз деб билган кишилар:



Собир Умарович Раҳимов.

“Темир генерал” номини олган, ўзбек ва поляк ҳалқлари қаҳрамони Собир Раҳимов 1902 йил 25 январда Тошкент шаҳрида туғилган. 1922 йилда армия сафарига чақирилган. 1925 йилдан турли ҳарбий округларда хизмат қилган.

1932 йил 17 майдан бошлаб 6-ўзбек тоғли-отлиқ дивизияси, 1936 йилдан 19-ўзбек тоғли-отлиқ дивизияси таркибидаги 41-ўзбек тоғли-отлиқ полк қомандири. Иккинчи жаҳон урушида турли масъул лавозимларда хизмат қилган. 1943 йил 19 мартда унга

генерал-майор ҳарбий унвони берилган. 1945 йил 26 мартда Польшанинг Гданск шаҳрини озод этиш учун бўлган жангда оғир яраланган ва ҳалок бўлган. Ўлимидан сўнг унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.





Миркомил Миршаропов

Ҳарбий қўмондон Миркомил Миршаропов 1900 йилда Жанубий Қозоғистоннинг Авлиё ота шаҳрида туғилган. 1920 йилда Тошкентдаги саккиз ойлик ҳарбий курсда таҳсил олиб, Хоразм ҳарбий нозирининг ўринбосари, кейин Оренбург фронтида жанговор командир сифатида иштирок этган. 1925-1929 йилларда бўлажак Совет Иттифоқи маршали Климент Ворошилов билан бирга Фрунзе номидаги ҳарбий академияда таҳсил олган.

1931 йилдан бошлаб 6-отлиқ ўзбек аскарлари полкига полк командири сифатида хизмат қилган. Кейинчалик бу полк 19-тоғли отлиқ ўзбек дивизиясига айлантирилган ва Миркомил Миршаропов дивизия қўмондони этиб тайинланган. Унинг мақсади мустақил Ўзбекистоннинг ўз армиясини тузиш бўлган. Шу сабабли 1937 йилда унга ҳарбий фитна иштирокчиси айби қўйилган ва ҳибсга олинган, 1938 йилда отиб ташланган, 1957 йилда оқланган.

У раҳбарлик қилган дивизия таркибида Собир Раҳимов қўмондонлик қилган 41-отлиқ ўзбек аскарлари полки ҳам бўлган.

Шу полкда Нормуҳаммад Ҳожиев взвод командири сифатида хизмат қилган.

Миркомил Миршароповга Самарқанд шаҳрида ҳайкал ўрнатилиб, бир кўчанинг номи ҳам берилган эди. Ҳозирги кунда у туғилиб ўсган Қозоғистоннинг Авлиё ота шаҳрида ушбу саркарданинг от устидаги ҳайкали ўрнатилган.



Рашидов Шароф Рашидович, буюк давлат арбоби, ёзувчи.


Нормуҳаммад Ҳожиев Шароф Рашидовни шундай таърифлаганди: “Шароф ака Рашидов ўта ҳушёр, ҳар бир катта ва кичик нарсага эътиборли, вазиятни тез англайдиган ва тўғри хулоса чиқара оладиган, суҳбатдошини тинглай оладиган, қўл остида ишловчиларнинг қобилиятларини яхши биладиган ва ғамхўр, меҳрибон, ўта маданиятли, сўзларни ўз ўрнига қўйиб фикрларини айтадиган инсон эдилар”.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Нормуҳаммад Ҳожиевнинг ўзи айнан ана шундай хислатларга эга бўлган.

Шароф Рашидов 1917 йилда Жиззах шаҳрида туғилган, Самарқандда таҳсил олган ва ўзининг меҳнат фаолиятини Самарқандда журналистликдан бошлаган. Иккинчи жаҳон урушида биринчилар қаторида иштирок этган. Кўп қаҳрамонликлар кўрсатган. Жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб, Самарқандга қайтиб келган. 1943 йилдан бошлаб Самарқанд область партия комитети секретари лавозимида ишлаган. Шу йиллари Нормуҳаммад Ҳожиев область партия комитетида ишлаётган бўлган. Улар иш юзасидан тез-тез учрашиб туришган. Маълумот учун: Рашидов Шароф Рашидович кейинчалик хизмат пиллапояларида юксалиб бориб, Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари – Ўзбекистон Компартиясининг Биринчи секретари каби юксак лавозимда фаолият кўрсатган, бир қатор романлар, повестлар,

қиссалар, шеърий асарлар муаллифи бўлган. 1983 йилда вафот этган.

Шунингдек, Нормуҳаммад Ҳожиев билан доимий ҳамкорликда ишлаган, ўша пайтдаги Самарқанд шаҳар партия қўмитасининг биринчи секретари **Файзиев Шакар Файзиевич**, Самарқанд область савдо бошқармаси бошлиғи, кейинчалик Ўзбекистон Савдо вазирининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган **Шукуров Константин Шукурович** Нормуҳаммад бобонинг теран фикр эгаси, бошлаган ишини сифатли ва қойилмақом этиб якунлай олиш қобилияти, сахий қалб эгаси ва ўта одамохун эканлигини бир неча бор, қайта-қайта таъкидлаб ўтганлар. Ўз навбатида Нормуҳаммад Ҳожиев уларни ҳам ўзининг устозлари қаторида деб билган ва уларнинг кўмагида бунёдкорлик фаолиятини олиб борган.



Ўзбекистон Республикаси Компартиясининг биринчи секретари Шароф Рашидовнинг Самарқанд Қишлоқ хужалик институтига ташрифи 1979 йил.

(чапдан Э.Н. Ходжаев институт сиёйсий иқтисодиёт кафедраси мудири, Ш. Рашидов, Самарқанд вилояти раҳбарлари Б. Рахимов ва С. Хамрақулов)

НОРМУҲАММАД ҲОЖИЕВНИНГ ОИЛАСИ ВА ФАРЗАНДЛАРИ

Унинг турмуш ўртоғи **Толибова/Ҳожиева Фотима**нинг отаси **Рашидов Толиб** 1877 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, кейин оиласи билан Самарқандга кўчиб келган. Толиб бобо Чор Россияси даврида турли корхоналарда ёлланма ишчи бўлиб ишлаган. Ўта ҳақгўй ва чўрткесар, ноҳақликка тоқат қила олмайдиган киши бўлган. Кунлардан бирида бир рус жандарми (ўша вақтдаги милиция ходими) бир кишини ноҳақдан ураётганига гувоҳ бўлган ва жандармнинг ўзини савалагани учун Сибирга сургун қилинган экан. Икки йиллар чамаси Сибир шаҳарларида мажбурий меҳнат қилган. Шу даврда рус тилини мукаммал ўрганиб олган. Сургундан қайтгач, Самарқанд шаҳридаги турли корхоналарда ишлаган, кексалик пайтларида ошпазлик қилган, 1971 йилда вафот этган.

Рашидов Толибнинг турмуш ўртоғи **Султоной** 1901 йилда туғилган. У Самарқандда катта ҳурматга эга бўлган Обиддиновлар сулоласидан бўлиб, уй бекаси сифатида фарзандлар тарбияси билан шуғулланган. 1986 йилда вафот этган.

Толибова/Ҳожиева Фотима 1918 йилнинг 20 майида Самарқанд шаҳрининг Найман (Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ёнидаги маҳалла) да таввалуд топган. Собиқ Иттифоқ даврида мактабда кейин эса Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги қисқа муддатли ишчи деҳқон факультетида таҳсил олган. Саводли аёл сифатида жуда кўп китоб мутолаа қилар экан. Қуръони каримни қироат қилишни ҳам яхши ўзлаштирган бўлган. Шунинг учун халқ ўртасида Фотимамулло деб ном олган ва маҳалла бибихалифаси (отинойиси) сифатида танилган. Эри Нормуҳаммад Ҳожиев махсус топшириқлар билан чет элларда бўлган кезларида оила тебратиш, рўзғорни бут қилиш тўласинча унинг зиммасида бўлган ва бу вазифани у бенуқсон уддалай олган. 2002 йилда ўша даврда Самарқанд вилояти ҳокими лавозимида ишлаган Шавкат Мирзиёев томонидан юрт тинчлиги, турмуш фаровонлиги, фарзандларни эл-юрт равнақи учун муносиб тарбиялаганлиги учун

ташаккурнома билан тақдирланган. Қаҳрамон она медаллари соҳибаси. Фотима она 2005 йилда вафот этган. Ҳадисларда айтилган “Жаннат оналар оёғи остидадир” деган ҳикмат Фотима аяга ҳам бевосита тааллуқлидир.



Нормуҳаммад Ҳожиев ва Фотима аянинг биргаликдаги турмушларидан дунёга келган фарзандлари: **Эркин, Ғунча (Феруза), Омон, Қурилиш (Аҳмад), Ашур (Давлат), Рашид.**




Ҳожиев Эркин Нормуҳаммедович 1939 йил 27 июнда Самарқанд шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида таваллуд топган. Самарқанд шаҳридаги 18-ўрта мактабни, 1962 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини ўқиб битирган. 1957 йилда ўқишдан ажралмаган ҳолда Самарқанд шойи тўқиш фабрикасида бахмал тўқиш цехида тўқувчи бўлиб ишлаган. Самарқанд тиббиёт институтида сиёсий иқтисод кафедраси ўқитувчиси, Самарқанд шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари, Самарқанд давлат университети доценти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти сиёсий иқтисод кафедраси мудири вазифаларида ишлаган. 1990 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига биринчи бор муқобиллик асосида ўтказилган сайловларда Ўзбекистон Халқ депутати этиб сайлангач, Олий Кенгашда Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси раиси, Олий Кенгаш Ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон тадбиркорлар уюшмасининг Биринчи Президенти лавозимларида фаолият олиб борган. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг муаллифларидан бири. “Ўзбекистон-Эрон” дўстлик ва маданий алоқалар жамияти вице-президенти, “Панжоб” миллий маданий марказининг ташкилотчиси ва раиси, Самарқанд кооператив институти ректори лавозимларида фаолият олиб борган. Шу йилларда Республикада биринчилар қатори институтда солиқ ва солиқлаштириш марказини очган, инглиз тилини чуқурроқ ўрганишни йўлга қўйган, хориждан кўплаб ўқитувчи-

мутахассисларни институтга таклиф этиб, талабаларга билим беришнинг янги, замонавий усулларини жорий қилган. 1994 йил 16 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Биринчи Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган. Иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар айнан шу даврлардан бошланган. Машҳад шаҳрида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Халқаро анжуман уюштирилишига бош-қош бўлган. Эронда Амир Темур даврига доир ўн учта ёдгорликлар аниқланган. Соҳибқиронга тегишли бўлган иккита шамшир Теҳрон шаҳридаги музейда топилиб, уларнинг акслари Тошкентдаги темурийлар музейига юборилган. Элчилик муддати ниҳоялангач, ўзи ишлаган Самарқанд кооперати институтига (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига) ишга қайтган. Ҳозирда у ушбу институт "Молия" кафедрасининг профессори. "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш", "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати" каби китоблар, "Қимматли қоғозлар ва биржа иши", "Молия бозори ва қимматли қоғозлар бозори" каби дарсликлар, Ўзбекистонда мулкчилик муносабатлари, тадбиркорлик асосларига бағишланган қатор монографиялар ва икки юздан ортиқ мақолалар муаллифи. Тошкент иқтисод университетининг Фахрий профессори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, Ўзбекистон Республикаси "Олий таълим аълочиси", "Халқ маорифи аълочиси", Халқаро Информатика Академиясининг мухбир аъзоси. Ўзбекистон Мустақиллигининг эълон қилиниши ва ушбу мустақилликнинг дастлабки машаққатли йилларида юзага келган зиддиятларни енгиб ўтиб, ўзининг бевосита иштирокида фаровон турмуш қуриш учун асос яратиб берилган давр воқеалари жонли тарзда акс эттирилган "Самарали йиллар ёғдуси" китобининг муаллифи.

Эркин Ҳожиев бу дунёда нимага эришган бўлса ва ўзидаги бор яхши хислатлар учун ўзи таъкидлаганидек, **ОТАси** ва **ОНАсидан** миннатдордир. Уларнинг жойлари жаннатда бўлсин илоҳим.



Самарқанд вилояти ҳокимлигидаги йиғилиш иштирокчилари А. Носиров, А. Мардиев, И. Жўрабеков, П. Абдураҳмонов, М. Умурзоқов, Ш. Мирзиёев, Б. Қиличев ва Э. Хўжаев. (1993 йил).



Самарқанд вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ва Ўзбекистон Қаҳрамаони Ҳасан Нормуродов. Эркин Ҳожиевга I – даражали "Меҳнат фахрийси" унвонини топшириш маросими. Самарқанд шаҳридаги "Регал Палас" меҳмонхонаси. 2020 йил 31 август.




Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Эрон Ислом Республикасининг Президенти Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари билан Панжоб мадрасаси ҳовлисида. Эркин Ҳожиев ва Шайх Муҳаммад Али меҳмонларни қутламоқда. 1993 йил 19 октябрь



Эркин Ҳожиев Панжоб мадрасаси ҳовлисида ўтказилган "Хотира ва Қадрлаш куни" муносабати билан ўтказилган тадбирда. 2023 йил 8 май.



Эркин Ҳожиев Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳошимий Рафсанжоний қабулида.
Теҳрон. 1994 йил 21 декабрь.



ГРАМОТА

Узбекский Совет Всесоюзного
Физкультурно-Спортивного Ордена
ЛЕНИНА Общества "ДИНАМО"

НАГРАЖДАЕТ

Тов. Ходжаева Э.

Игрока футбольной команды, победительницы первенства Узбекского Совета "ДИНАМО" 1960 года.

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ Уз.СОВЕТА
"ДИНАМО"
Полковник
(БЕГЛОВ)

"19" июля 1960г.
г. Ташкент.

Эркин Ҳожиевнинг турмуш ўртоғи **Обиддинова/Ҳожиева Сайёра ҳожи она** 1940 йилда Самарқанднинг эл таниган, юрт фаровонлиги йўлида хизмати сингган раҳбар ходим Ҳасан Обиддинов оиласида туғилган. Мутахассислиги тиббий ҳамшира. Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасининг поликлиникаси, шу бошқармага қарашли “Зарафшон” сиҳатгоҳи, Тошкентдаги ҳукумат сиҳатгоҳларидан бирида, Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлаб, шу ердан пенсияга чиққан.

Ҳозирги кунда Эркин Ҳожиев Сайёра ҳожи она билан бирга уч нафар фарзандлари, тўққиз нафар неваралари ва ўн олти нафар чевараларнинг қуршовида, уларнинг дуогўйлари бўлиб умргузаронлик қилмоқдалар.

Уларнинг фарзандлари: **Гулноза, Шуҳрат, Ойбек.**

Ҳожиева Гулноза Эркиновна 1961 йилда туғилган, олий маълумотли шифокор. Самарқанд тиббиёт институтини ўқиб битирган, кўп йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги Суғдиёна таянч тиббиёт техникумида ўқитувчилик қилиб халқ хўжалиги учун ҳамшираларни тайёрлашда хизмат қилган. Бугунги кунда шифокорлик меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда. Икки нафар фарзанди, етти нафар неваралари қуршовида. Ўғли **Саттаров Шаҳзод Қаҳрамонович** қатор йиллардан буён банк ва молия тизимида ўз меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Бугунги кунда “Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятида бошқарма

бошлиғи лавозимида давлат қимматли қоғозлари соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қизи **Сатторова Гўзал Қаҳрамоновна** олий маълумотли иқтисодчи. У ҳам кўп йиллардан буён иқтисодиёт соҳасида фаолият юритиб келмоқда, бугунги кунда 3 нафар фарзанднинг онаси.

Ҳожиев Шуҳрат Эркинович 1964 йилда туғилган, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факультети ва Самарқанд кооператив институтининг молия ва кредит факультетида таҳсил олган. Кўп йиллар давомида Самарқанд

вилоят солиқ бошқармаси мутахассиси сифатида фаолият кўрсатган. Маълум вақт АҚШда ишлаган. Ҳозирги кунда “Саёҳат трэвил” масъулияти чекланган жамияти маъмури (администратори) бўлиб ишламоқда.

Унинг турмуш ўртоғи **Багирова Жамилабегим** 1966 йилда туғилган, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бюросида ишлаган, ҳозирги кунда “Мини Макс финанс” масъулияти чекланган жамияти кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишламоқда.

Уларнинг фарзандлари: **Эркинов Бекзод Шуҳрат ўғли** 1988 йилда туғилган, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод факультетини ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг магистратура босқичини ўқиб битирган. Ҳозирги кунда “Мини Макс финанс” масъулияти чекланган жамияти директори вазифасида ишламоқда. **Эркинов Парвиз Шуҳрат ўғли** 1989 йилда туғилган, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг бакалавр ва магистратурасини ўқиб битирган, ҳозирги кунда қурилиш соҳасидаги “Қоракўл Строй Групп” масъулияти чекланган жамияти бошқарувчи ва ушбу жамият бош ҳисобчиси вазифасида ишлаб келмоқда. **Эркинов Бобурмирзо Шуҳрат ўғли** 1995 йилда туғилган, Самарқанд иқтисод ва сервис институти туризм факультетини ўқиб битирган, ҳозирги кунда тадбиркор.

Ҳожиев Ойбек Эркинович 1969 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1985 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабни ўқиб битирган. 1987-1989 йилларида Совет Армияси сафида хизмат қилган. 1991 йили Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги вақтда Тошкент иқтисодиёт Университети)да умумиқтисод факультетида иқтисод ва менежмент мутахассислиги бўйича таҳсил олган. 1990-1991 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Ишлар бошқармасида бухгалтер, 1991-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат Агросаноатбанкида (кейинчалик “Пахта банк” ва “Агробанк” деб номланган) амалиёт бошқармасида мутахассисликдан ушбу департамент директори, Банк Бошқаруви раисининг ўринбосари

даражасидаги вазифаларида фаолият кўрсатган. 2000-2001 йилларда Буюк Британиянинг Кембридж ва Лондон шаҳарларида Европа тикланиш ва тараққиёт банки махсус курсларини ўқиб битирган. 2001-2002 йилларда фонд бозори қатнашчилари ахборот таҳлил маркази акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, шундан кейин 2019 йилгача бир қатор корхоналарда раҳбар лавозимларида ишлаган. 2019-2022 йилларда Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи вазифасида фаолият олиб борган. Ҳозирги кунда Инвестиция-консалтинг компанияси таъсисчиси ва раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг фидокорона меҳнатлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёвнинг 2021 йил 25 августдаги Фармони билан "Содиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланган.

Унинг турмуш ўртоғи **Исоқова/Ҳожиева Нигора Ғуломовна** Тошкент тиббиёт институтини ўқиб битирган. Шифокор-гинеколог. Тиббиёт муассасаларида ва фармацевтика компанияларида фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг фарзандлари: **Ҳожиева Малика** 1992 йилда туғилган, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини ўқиб битирган, эктерьер ва интерьер дизайнери. Ҳозирги вақтда турмуш ўртоғи ва фарзанди билан Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида истиқомат қилади. **Ҳожиева Асал** 1996 йилда туғилган, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер Университетининг "Бизнес бошқаруви" факультетини ўқиб битирган, ҳозирги вақтда дунёдаги энг нуфузли Халқаро аудиторлик компаниясида катта аудитор вазифасида ишлайди. **Ҳожиева Ситора** 2003 йилда туғилган, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг Тошкент филиалини "Реклама ва жамоатчилик билан алоқалар" факультетида таҳсил олган. Ҳозирги вақтда "Бюро Веритас" Халқаро инспекциялаш ва сертификатлаш компаниясида мижозлар билан ишлаш бўйича менежер вазифасида ишлайди. Ўғли **Ҳожиев Дониёр** 2005 йилда туғилган, Корея Республикасининг Тошкент шаҳридаги Инҳа (INHA) университети "Бизнес ва логистика" факультетининг 3-курс талабаси.



Ҳожиева Феруза Нормуҳаммедовна 1943 йилда туғилган, ўрта маълумотни Самарқанд шаҳридаги 18-мактабда олган, 1958-1962 йилларда Самарқанд тиббиёт билим юртида таҳсил олган, электр билан даволаш муассасида ва бир неча йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги травматология шифохонасида ҳамшира вазифасида ишлаган. Пенсияга чиққач ўзи истиқомат қилган Чортут маҳалласи бибихалифаси сифатида аҳоли ўртасида маърифат тарқатиш, ёшларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш, оилаларнинг тинч-тотув яшашларини таъминлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширишда фаол иштирок этиб келган. 2023 йилда 80 ёшида вафот этган. Турмуш ўртоғи **Исмоилов Жавод** билан бирнгаликда **Баҳодир, Бахтиёр, Моҳигул, Сарвиноз** каби тўрт нафар фарзандларини олий маълумотли қилиб вояга етказганлар. Улар ҳозирги кунда турли вазифаларда халқ хизматидалар.



Ҳожиев Омон ҳожи Нормуҳаммедович 1946 йилда туғилган, 1962 йилда Самарқанд шаҳридаги 18-мактабни ўқиб битирган. Меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 128-автобазада ҳайдовчиликдан бошлаган. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг маханизация факультетида сиртдан таҳсил олган. Асосан Самарқанд шаҳридаги 15-автотранспорт корхонасида шаҳарлараро қатновчи автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Ҳозир пенсионер.

Унинг турмуш ўртоғи **Ҳожиева Санам ҳожи она Абдуллаевна** 1948 йилда туғилган, 1966 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-мактабни ўқиб битирган, 1966-1970 йилларда Самарқанд педагогика институтида таҳсил олган, Самарқанд шаҳридаги 18-ўрта мактабда рус тили фанидан дарс берган, ҳозир пенсионер.

Уларнинг фарзандлари: **Саодат** 1967 йилда туғилган, Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган, Самарқанд шаҳридаги 18-мактабда тарих фанидан дарс берган, ҳозир пенсионер. **Санобар** 1971 йилда туғилган, Самарқанд тиббиёт институтида таҳсил олган, ҳозирги кунда Самарқанд

шаҳридаги 4-сонли туғруқ мажмуасида бош шифокор ўринбосари вазифасида ишламоқда.

Ўғли Қаҳрамон 1972 йилда туғилган, ўрта маълумотни Самарқанд шаҳридаги 14-мактабда олган. Самарқанд Давлат университетининг математика факультетининг кундузги бўлимини ва Самарқанд копператив институтининг солиқ ва солиққа тортиш факультетининг сиртқи бўлимида таҳсил олган. Иш фаолиятини Самарқанд вилоят Солиқ бошқармасида ўзи эгаллаган касби мутахассислигидан бошлаган. Солиқ соҳасида жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилоят бўлими тезкор бўлимининг бошлиғи, Навоий вилоят бўлими департаменти бошлиғининг биринчи муовини, Қашқадарё ва Сирдарё вилоят департаментлари бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. Ишдаги фаоллиги ва ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қарори билан Тошкент вилояти Солиқ бошқармаси бошлиғи этиб тайинланган. Иш фаолияти давомида Олий милиция академиясида ҳамда Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида, Ички ишлар вазирлиги қошидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш факультетида таҳсил олган ва уларнинг ҳаммасини қизил диплом билан ўқиб битирган. Прокуратура полковниги, II даражали “Аъло хизматлари учун” кўкрак нишони билан тақдирланган. 2023 йилда касаллик туфайли вафот этган.

Ҳожиев Қурилиш (Аҳмад) Нормуҳаммедович 1948 йилда Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Ўрта маълумотни Самарқанд шаҳридаги 14-мактабда олган, 1966-1971 йилларда Самарқанд педагогика институтининг рус филологияси факультетида таҳсил олган. Унинг педагоглик фаолияти студентлик давридан бошланиб, ўқиш билан биргаликда Самарқанд шаҳар 13-мактаб қошидаги кечки мактабда рус тили ва адабиётидан дарс берган. 1971-1973 йилларда Самарқанд туман комсомол комитетида инструктор



(йўриқчи), бўлим бошлиғи ва ўқувчи ёшлар бўйича қўмита секретари (қўмита котиби – бу лавозим қўмитада учинчи раҳбар ҳисобланади) ва шу даврда Самарқанд туманинг Арабхона қишлоғидаги 3-сонли кечки мактаб филиалида, ундан кейин Самарқанд шаҳар 14-мактаб қошидаги 5-сонли ишчи-ёшлар мактабида рус тили ва адабиётидан дарс берган. 1973-1976 йилларда вилоят комсомол қўмитаси мактаблар бўлими бошлиғи, 1976-1979 йилларда ДОСААФ (Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгиллилар жамияти) вилоят қўмитасида раис ўринбосари, ундан кейинги даврларда Самарқанд холодильник заводи қошидаги касб-ҳунар мактабида директор ўринбосари, вилоят касаба уюшмаси қўмитасида инспектор, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида партия қўмитаси секретари ва цех бошлии вазифаларида ишлаган. Шундан кейин Нормуҳаммад Ҳожиев номли автомашиналар эҳтиёт қисмлари бозорида тадбиркорлик билан шуғулланган. Ҳозирги кунда пенсияда бўлишига қарамасдан тадбиркорлик билан шуғулланиш билан биргаликда Самарқанд шаҳридаги “Теракзор” маҳалласи ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Турмуш ўртоғи **Алиева/Ҳожиева Замира Алиевна** 1949 йилда туғилган, Самарқанд тиббиёт техникумида таҳсил олган, бутун умри давомида Самарқанд вилоят электр билан даволаш муассасасида ҳамшира бўлиб ишлаган. 2022 йилда вафот этган.


Уларнинг фарзандлари: **Фурқат, Азиза, Фарҳод.**

Фурқат 1967 йилда туғилган, 1975-1985 йилларда Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабда, 1986-1988 йилларда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган. 1886-1988 йилларда Совет армияси сафларида хизмат қилган. Армиядан қайтгач, “Ширин” кооперативида ишлаган ва сиртдан университетда таълим олишни давом эттирган. Ўқишни тугатгач,

Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабда тарих фанидан дарс бера бошлаган. Шу орада 1999-2000 йилларда Самарқанд иқтисод техникумида таҳсил олиб, иқтисодчи мутахасисслигини ҳам эгаллаган. Бир йилдан кейин Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Самарқанд шаҳар ташкилотининг Темирйўл тумани бўйича партия ташкилотчиси, ушбу туман ҳокимлиги кадрлар бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Самарқанд шаҳар кенгашида мафкура бўлимининг бошлиғи, ундан кейинги даврларда Самарқанд вилоят болалар спортини ривожлантириш фонди директори – Самарқанд вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифаларида самарали фаолият олиб борган. 2012-2015 йилларда “Ўзбекистон-Эрон” дўстлик ва маданий алоқалар жамияти Самарқанд бўлимида раис сифатида фаолият кўрсатган. Ҳозир тадбиркор.

Азиза 1970 йилда туғилган, Самарқанддаги кооператив техникумида таҳсил олган, кўп йиллардан буён савдо тизимида хизмат қилиб пенсияга чиққан. Ҳозир тадбиркор.

Фарҳод 1972 йилда туғилган, 1979-1989 йилларда Самарқанд шаҳридаги 14-мактабда, 1991-1992 йилларда Самарқанд молия техникумида, 1995-1998 йилларда Самарқанд кооператив институтида таҳсил олган. 1992-2000 йилларда Самарқанд вилоят Солиқ бошқармаси ходими, шундан кейинги даврларда Тошкент шаҳрида “ЎЗБТОФАРМ” акциядорлик жамиятида директор, “Ибн Сино” фондида ижрочи директор, “Асклепий” компаниясида раҳбар ўринбосари, “Меркато” савдо мажмуаси директори вазифаларида фаолият олиб борган. 2023 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Ресторан бизнеси маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келмоқда. “Апрель”, “Мармарис”, “Трюфель”, “Огни Ташкента”, “Самарқанд туристик маркази”, “Самарқанд аэропорти” лойиҳаларининг асосчиларидан бири сифатида фаолият олиб борган ва ушбу лойиҳаларни бошқарувида иштирок этган.



Ҳожиев Ашур (Давлат) Нормуҳаммедович 1951 йилда туғилган, 1968 йилда Самарқанд шаҳридаги 18-ўрта мактабни ўқиб битирган, 1968-1871 йилларда Самарқанд озиқ-овқат техникумида таҳсил олиб, ресторан иши бўйича Боку шаҳрида амалиётни ўтаган. 1971-1976 йилларда Самарқанд кооператив институтининг муҳандис-технология факультетида таҳсил олган. Шу давр ичида, 1976-1978 йилларда ОРС (ишчи таъминоти бўлими)га қарашли мева-сабзавотлар базасида директор, 1978-1980 йилларда Гулистон ёғ ишлаб чиқариш заводида цех бошлиғи, 1980-1983 йилларда Косон ёғ ишлаб чиқариш заводида цех бошлиғи ва бош диспетчер, 1983-1987 йилларда Жиззах кондитер комбинатида бош муҳандис вазифаларида ишлаган. 1987 йилда ушбу ишлаб чиқариш комбинатини ўз номига хусусийлаштириб, “Ширин” кўп қиррали мурувват фирмасини ташкил этган. Фирма ўзининг уч қаватли биносини қишлоқ мактабига бериш билан биргаликда, бинони иссиқлик, ичимлик суви, оқова тизими хизмат ҳақини ҳам ўз ҳисобидан амалга ошириб борган. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари бўш вақтларида фирманинг енгил ишларига кўмаклашганлар. Ўқувчиларга пул тўлаш билан биргаликда, фирма маҳсулотлари бўлган ноёб конфетлардан ҳам бериб борилган.

Шундан кейин ушбу фирмани кенгайтириб, Жиззах шаҳрида “Ширин-Д”, Гулистон шаҳрида “Ширин-Г”, Тошкент шаҳрида “Ширин-Т”, Бухоро шаҳрида “Ширин-Б”, Пастдарғом туманидаги боғдорчилик давлат хўжалигида “Ширин-П”, Самарқанд туманидаги Шредер номли боғдорчилик-узумчилик институти филиали қошида “Ширин-С” мева қуритиш, ширинликлар тайёрлаш ва уларни хорижга экспорт қилувчи юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарини ташкил этган.

1989 йилда республикамизда биринчи бўлиб собиқ Иттифоқ Марказий банки лицензияси билан хусусий Жиззахбанк кооператив банкини ташкил этган.

1992 йилда отаси томонидан қурилиб, вақтинча иш фаолиятини тўхтатган бозорни қурилиши битмаган бинолари билан қўшиб олган ҳолда вилоят матлубот жамиятидан сотиб олиб, олтита "Ширин" корхоналарининг пулига Республикамизда дастлабки ҳисобланган автомобиллар эҳтиёт қисмлари ва темир-терсак сотиш бозорини ташкил этган. Бу бозорга Нормуҳаммад Ҳожиев номи берилган. Бозорда уч минг нафар кишини патент асосида иш билан таъминлашга эришган. Унинг тадбиркорлигини ва жамият ривожи учун тиниб-тинчимас инсон эканлигини ҳисобга олиб, 1992 йилда Самарқанд шаҳар депутатлигига сайлашган. Депутатлиги даврида бозор яқинидаги қаровсиз муюлишда ўз шахсий ҳисобидан болалар ва ёшлар спорт майдончасини бунёд этган ва бозор атрофидаги бешта маҳаллалар ҳудудидаги ариқларини қайтадан таъмирлаб, оқар сув йўлларини очиб берган. 1993 йилда тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи "Бозор-бизнес" газетасини таъсис этган ва бу газета 1998 йилгача мунтазам чоп этиб борилган. Ҳозирги кунда яна бир янги инновацион ғоя – маккажўхоридан шакар олиш ташаббускори сифатида фаолият олиб бормоқда. Унинг бу ихтироси давлат патентини олган. Айни кунларда бу соҳада фаолият юритувчи корхонани уч нафар фарзандлари бўлган **Алишер, Анвар ва Мансурлар** билан бирга ишга тушириш арафасида.

Турмуш ўртоғи **Ҳамробону** билан олти нафар фарзандини тарбиялаб, вояга етказган. Эгизак фарзандлари **Лола** ва **Гулнора** 1972 йилда туғилганлар. Иккаласи ҳам Жиззах кооператив коллежининг кондитер бўлимида таҳсил олишган ва аяси билан широварпазлик цехини бошқаришган. **Лола** оилали, уч нафар фарзанди бор, ҳозирги кунда Самарқанд шаҳридаги Тадбиркорлар маҳалласи фуқаролар йиғинида хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида фаолият олиб бормоқда. **Гулнора** тўрт нафар ўғил фарзандлари билан тадбиркорлик фаолиятини давом эттирмоқда.

Кичик қизи **Анора** 1984 йилда туғилган. У ҳам Жиззах кондитер коллежининг кондитер бўлимида ўқиган. Ҳозирги кунда товуқ ва балиқ боқиш билан шуғулланувчи Ўзбекистон-Эрон “Айша А.Р.” қўшма корхонасини барпо этиб, корхона раҳбари вазифасида ишлаб келмоқда.

Давлат Ҳожиев невараларини ҳам тадбиркорлик ишларига йўналтириб келмоқда. Шулардан **Рустам** чет эллардан юкларни етказиб беришга хизмат қилувчи “Барака Логистик Самарқанд” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, **Ҳалима** буюртмаларни онлайн етказиб бериш вазифасини бажариб келмоқда, **Достон** Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси майори сифатида халқ хизматида.



Самарқанд шаҳридаги “Нормуҳаммад Ҳожиев” масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобиль эҳтиёт қисмлари бозорида Давлат Ҳожиев томонидан ўрнатилган мемориал ёдгорлик.



Ҳожиев Рашид Нормуҳаммедович 1954 йилда туғилган, 1971 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-мактабни ўқиб битирган, 1971-1975 йилларда Самарқанд кооператив институтининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олган, иқтисодчи. 1975-1976 йилларда Совет Армияси сафларида хизмат қилган. 1977-2000 йилларда Самарқанд шаҳар Сиёб озиқ-овқат савдо идорасида иқтисодчи бўлиб ишлаган. 2001 йилдан кейинги даврларда тадбиркорлик билан шуғулланган. 2016 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Самарқанд шаҳридаги “Меҳробод” (халқ тилида Аждармаҳалла) маҳалласи фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Турмуш ўртоғи **Сурия**, 1956 йилда туғилган, 1971 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-мактабнинг 8-синфини ўқиб битириб, 1971-1974 йиллар Самарқанд шаҳридаги мактабгача педагогика билим юртида тарбиячи ҳамширалик йўналиши бўйича таҳсил олган. 1974-1975 йилларда Самарқанд нон комбинатида ишчи бўлиб ишлаган. Шундан кейинги даврда фарзандлар тарбияси билан машғул бўлган. 1988-1992 йилларда Самарқанд шаҳридаги электр билан даволаш муассасида ҳамшира, 1992-2000 йилларда Самарқанд шаҳридаги жисмоний тарбия диспансерида ҳамшира бўлиб ишлаган. ҳозир пенсионер. Уларнинг фарзандлари: **Зулайҳо, Ҳожи, Алижон.**

Қизлари **Зулайҳо** 1976 йилда туғилган, 1993 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабни ўқиб битирган, 1993-1996 йилларда Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим педагогика билим юртида таҳсил олган, 1996-1999 йилларда Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабнинг гимназия синфида тарбиячи бўлиб ишлаган. 2000-2006 йилларда фарзандлар тарбияси билан шуғулланган, 2006-2014 йилларда кондитер цехида ишлаган, ҳозирги кунда хусусий боғча тарбиячиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Катта ўғли **Ҳожи** 1977 йилда туғилган, 1994 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-ўрта мактабни ўқиб битирган, 1994-1996 йилларда Самарқанд тиббиёт билим юртида таҳсил олган, 1996-1999 йилларда Самарқанддаги тез ёрдам кўрсатиш станциясида тиббий биродар бўлиб ишлаган. Шу даврларда Самарқанд кооператив институти қошида очилган ўқув курсларида таҳсил олган. 1999-2005 йилларда Самарқанд вилоят солиқ инспекциясида хўжалик ишлари бўлими ходими бўлиб ишлаган, 2005-2016 йилларда тадбиркор сифатида фаолият юргизган, 2016 йилда автомобиль катастрофаси оқибатида вафот этган.

Кичик ўғли **Алижон** 1981 йилда туғилган, 1997 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-мактабни ўқиб битирган. 1997-2001 йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили факультетида таҳсил олган. 2001-2008 йилларда Англияда ўқишини давом эттириб, инглиз тилидан ташқари компьютер саводхонлигини мукаммал эгаллаган. Шу ерда бизнес ҳамда ресторан соҳасида таҳсил олган ва уни амалиётда қўллаб, шу йўналишда ишлаган. 2008-2018 йилларда Тошкент шаҳридаги “Бек Бистро” ресторанида директор вазифасида ишлаган. 2018 йилдан ҳозирги кунгача тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда.

ҲОЖИЕВ НОРМУҲАММАД БОБОНИ ЭСЛАБ.

Нормуҳаммад Ҳожиев нафақат Самарқандимизнинг, балки бутун Ўзбекистоннинг ижтимой-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётида намунали из қолдириб кетди. Қариндош-уруғлари ва яқин кишиларининггина эмас, вилоятимиз жамоатчилиги ҳам бу ҳурматга сазовор бўлган инсонинг номини ўзгача эҳтиром ва қониқиш туйғулари билан тилга олади.

Қуйида оммавий ахборот воситаларидан кўчириб олинган ва яқин кишилари тилидан ёзиб олинган маълумотлар бобо ҳақларидаги тасаввурларимизни янада ойдинлаштириб беради.

Биз улардан айримларини Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилишни маъқул деб топдик:

Самарқандлик таниқли журналистлар Аслиддин Қамарзода, Ғафуржон Маҳмудов ва Нормуҳаммад Ҳожиевнинг ўғли Қурилиш Ҳожиев томонидан вилоят “Ленин йўли” газетасида эълон қилинган “Эзгу ишлари ҳамон қалбларда” деб номланган катта мақолада таъкидланишича, “...Самарқанднинг Панжоб даҳасида “Нафосат” тўқимачилик артели ташкил этилганида Нормуҳаммад эндигина ўн тўртга қадам қўйган эди. У биринчилардан бўлиб, мазкур артелга тўқувчи-шогирд сифатида ишга қабул қилиниб, меҳнат фаолиятини бошлади ва кўз ўнгида қад кўтараётган улкан тўқувчилик корхонаси билан биргаликда ўсиб-улғайди, меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги туфайли кўзга илинди, эътибор қозонди.

Камолот ёшига етиб армияга чақирилди ва отлиқ аскарлар дивизиясида хизмат қилишига тўғри келди. Дивизия қошидаги полк мактабида таълим олаётган Нормуҳаммаднинг ўқув машқларидаги ютуқлари мактаб бошлиғи Собир Раҳимовнинг диққатини тортади ва ундаги маҳоратни сезиб, алоҳида ихлос қўйиши туфайли уни кичик командир этиб тайинлайди ҳамда сиёсий савиясини кўтариш

мақсадида масъул ходимлар тайёрлайдиган ҳарбий мактабга ўқишга юборади.

Ўқишни битиргач, Нормуҳаммад Давлат хавфсизлик қўмитасининг ходими сифатида кўп йиллар Эрон, Покистон, Афғонистон каби давлатларда масъул вазифаларда ишлади. Давлат топшириқларини бажариб, чет элдан қайтгач, ўша йилларда Самарқанд вилоят партия қўмитасининг котиби вазифасида ишлаётган Шароф Рашидов тавсияси билан Нормуҳаммад Ҳожиев Каттақўрғон сув омбори қурилишига юборилади ва шу корхона партия ташкилоти котиблигига сайланади. Н. Ҳожиев икки юз минг киши ишлаётган ва асосан қўл кучи билан бунёд этилаётган мазкур қурилишда фақатгина масъул раҳбарлардан бири сифатидагина эмас, балки "Каттақўрғон ҳовузи" рўзномасининг муҳаррирларидан бири сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

... Шундан сўнг Нормуҳаммад Ҳожиев Ингичка кон бошқармасининг бошлиғи сифатида фаолиятини давом эттиради ва бу лавозимда икки йил ишлаб, кон ишларини яхши йўлга қўйганидан сўнг у давлат топшириғи билан Покистон ва Афғонистонга юборилади, давлат аҳамиятига молик ўта муҳим топшириқларни бажаради.

Ўз она юртига қайтгач, Сиёб бозорига директор этиб тайинланади. Эски пастқам савдо расталари, пала-партиш жойлашган дўконлардан иборат бўлган ушбу бозор ўрнида замонавий, Шарқ бозорларига хос услубда бозор қурилишини режалаштирган Ҳожиев бутун Марказий Осиё бозорларидаги мавжуд бозорларни кўздан кечиради, уларнинг ҳар биридан маъқул томонларини ўрганиб, Самарқанднинг Сиёб деҳқон бозорида катта қурилиш ишларини бошлаб юборади.

У салкам 12 йил давомида мазкур бозорга раҳбарлик қилиб, ҳозир хизмат қилаётган дастлабки иккита савдо растасини бунёд этишга асос солди. Энг муҳими, меҳнатсевар кишиларни тўплаб, аҳил жамоа тўплашга муваффақ бўлди. Натижада, Сиёб деҳқон бозорининг шуҳрати мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлиб кетди.

Микрорайондаги бозорга ҳам асос солганлардан биридир”.

Вилоят газеталарининг забардаст журналистларидан бири бўлган Маннон Нажмиддиновнинг қаламига мансуб бўлган “Инсон изи” мақоласида унга шундай баҳо берилган: “Ўн йил бўлибдики, Сиёб бозорига ишга тайинланганидан буён Нормуҳаммад ака бирон ой тиниб-тинчиган эмас. Қурилиш, ободончилик масаласига келганда, доимо у кишининг план ва режалари топилаверади, ўзи ҳам тинч турмайди, бошқаларни ҳам тинч қўймайди”. “... Нормуҳаммад ака чинакам одамшавандалиги, қўл остидаги кишиларга нисбатан ҳам талабчан, ҳам сезгирлиги ва меҳрибонлиги билан обру-эътибор қозонгандир. “Фикримизча, қирқ, қирқ беш йил давомидаги меҳнат фаолияти ҳам Нормуҳаммад ака учун ўзига хос дорилфунун бўлган. Кишилар характерини, инсон қалбини ва қадр-қимматини тўла маъноси билан тушунган. Чиндан ҳам ўз қадрини, жамият аъзоси сифатидаги бурчини нозик тушунганлар ҳаётда из қолдиришга интилишади. Шундай экан, Нормуҳаммад аканинг жонкуярлиги ва ҳар бир ишга астойдил киришиши, уни ниҳоясига етказмагунича тиниб-тинчимаслигининг боисини тушуниш қийин эмас. Дарвоқе, инсон умрининг боқийлиги ҳам унинг ҳаётда қолдирадиган изидадир”.

Эл яхшиларни унутмайди. Гарчи бир неча йилдирки Нормуҳаммад Ҳожиев орамизда йўқ бўлсада, унинг номи, эл-юртга қилган эзгу ишлари, мамлакатимизни ёвуз кўзлардан асраш борасидаги хизматлари, битказган қурилишлари, бири олиму, давлат арбоби, бири тадбиркору, бири ижодкор фарзандлари, эзгу ниятларини давом эттираётган набиралари туфайли қалбларда абадийдир.

Мусо Ҳошимов, маҳалладоши, қатор корхоналарда раҳбар лавозимларида хизмат қилган:

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўзларининг умрлари давомида қилган меҳнатлари билан одамлар қалбида яхши ва унутилмайдиган из қолдирадилар.

Оиламиз учун энг яқин кишилардан бири бўлган, қудачилик муносабатларимизни яхши асраб келган, отам Саййид Козим бобо билан ўзаро самимий дўст ва ўзаро маслаҳатдош-маслакдош, одамшаванда инсон Нормуҳаммад Ҳожиев менинг олий даражадаги устозларимдан бири бўлганлар.

Нормуҳаммад бобода инсонни ўзига жалб қила оладиган бир сеҳрли хислатлари бор эди. Каттаю-кичикка бир хил муносабатда бўлиб, барчага меҳрибон, улфатчилик муомаласини ўз жойига қўя олардилар. Одамларни севадиган инсон эдилар. Эрталаб ёки кечқурунлари маҳалламиз кўчаларини айланар эканлар, бирор-бир киши билан суҳбат қилиб қолсалар, албатта ўша одамни эрталабги нонушта ёки кечқурунги тамадди учун ўзлари билан уйларига таклиф қилиб, “бир пиёла чой” қилиб бериш одатлари бор эди.

Оиламизнинг ҳурсандчилик кунларига ҳам, ташвишларига ҳам бирдек, ҳамдард шерик эдилар. Зарур бўлганда ўзларининг ҳар қандай ёрдамларини аямасдилар. Менинг собиқ Аждармаҳалла – ҳозирги Меҳробод маҳалла маркази биноси билан ёнма-ён жойлашган, ҳозирги яшаб турган уйимнинг барпо этилишида бош-қош бўлгандилар.

Ҳожиев бобонинг ҳар қандай кишидаги муаммони бир зумда, беминнат ҳал қила билиш каби маҳоратларини мен оғир дардга йўлиққан беморга зудлик билан ёрдам кўрсата оладиган “тез ёрдам”нинг тажрибали шифокорига ўхшатаман. Ана шу каби хислатлари учун мен у кишини севиб қолганман ва ҳурматим баланд эди. Халқ учун қилган барча хизматларини қоғозга туширсам, бир дафтарга сиғмайди.

Отамизга нисбатан ҳурматлари баланд эди. Ҳукуматнинг махсус топшириғи билан хорижий мамлакатларга жўнашларидан олдин уйимизга келдилар. Отам билан хайрлашдилар ва “Эркин ўғлимни сизга топширдим, аҳволидан хабар олиб туринг” деб, дуо олиб хайрлашиб кетгандилар. Тўнғич фарзандлари Эркин Худонинг олий неъматларидан бири бўлган ота ва устоз дуосини олиш шарафига муяссар бўлган. Шу сабабдан ҳам давлат

миқёсидаги олий даражали лавозимларда самарали фаолият олиб борди.

Мен 1960 йилда Тошкентдан институтни битириб келганимдан бошлаб вафот этган кунларигача ота-ўғилдек яшадик. Ўзларининг яқин кишилари қатори менга ҳам эътиборли эдилар. Шу туфайли панду-насиҳатларидан доимо баҳраманд бўлганман. Яқин кишиларидан бири сифатида менга махсус давлат хизматида бўлган пайтларида Амударёдан шиширилган меш ёрдамида сувни қандай кечиб ўтганларини ҳикоя қилиб бергандилар. Дарёдан ўтаётган пайтларида мешдан ҳаво чиқиб кетиш хавфи туғилган. Шу вақтда ўзларини эмас, мабодо бир фалокат юз берса, фарзандлари Эркиннинг аҳволи қандай бўлишини ўйлаган эканлар.

Бунақа инсонлар ҳеч қачон унитилмайди. Охиратлари обод бўлсин илоҳим!

Менинг (муаллиф – Ҳайдар Холовнинг) ўз хотираларимдан: 1986 йилда Нормуҳаммад бобонинг поччалари Маматқул Холиқов, яъни менинг қайнатам вафот этдилар. Ўша даврда мен Боғишамол район партия қўмитасининг мафкура бўлимида ишлар эдим. Бу йиллар бутун Иттифоқ бўйлаб “воинствующий атеизм” (“жанговар атеизм”) деб номланган кампания авж олган эди. Райком ходимлари, айниқса, ушбу кампания ҳаракатида бевосита иштирок этаётган мафкура бўлими ходимларининг жаназа маросимларида ва таъзия билдиришда иштирок этишлари бирмунча эҳтиёткорликни талаб қиларди. Райком ходимлари турли миллат вакилларидан иборат бўлиб, улар орасидан мусулмонларнинг фарзандлари бўлган эркак-аёллар менга таъзия изҳор этиш учун қайнатамнинг хонадонларига келишди. Таъзия билдириш Қуръони карим оятларидан тиловат қилишсиз бўлмайди албатта. Барча келганлар чин дилларидан шуни исташарди, аммо қандай амалга оширишни билмай ноқулай ҳолатда туришганди. Бунақа ҳолатларда вазиятдан чиқиш йўлини осонликча уддалай оладиган Ҳожиев бобо аёл-эркак меҳмонларни алоҳида хонага таклиф қилдилар. Зудлик билан бир пиёла чой

ташкил қилиб, маҳалла мулласини шу хонага чақиртирдилар. Қуръон оятлари тиловат қилинди. Райком ходимлари кўнгиллари таскин топиб қайтдилар.

Ҳожиев Рашид, кичик ўғли:

Дадам тилим чиққан пайтимданоқ салом бериш одобимга ўта эътиборли бўлгандилар. Дадил ва бурро салом беришга ўргатардилар. Овқат пайтида овқатни қолдирсам ёки нонни қўлда синдириб емасам койиб берардилар. Инсоннинг кундалик турмуш тарзиида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай катта-кичик имконият ва ҳолатлардан тўғри фойдалана олиш лозимлиги каби масалаларнинг ҳеч бири ҳам четда қолмасди. 1968 йилда бир муддат оёқларидан шикастланиб, иккита қўлтиқтаёқда юрган пайтлари эди. Шу даврда дадамни Грузиянинг Цхалтубо шаҳар-курортига бориб дам олишга йўлланма беришди. Дадам аямни ва мени ҳам ўзларига ҳамроҳ қилиб олдилар ва биз йўлга тушдик. Тошкент аэропортида бўлганимизда менга битта блокнот ва ручка олиб бердилар ва қаерларга борсак ва ўша жойда нимани кўрсак блокнотга туширишимни буюрдилар. Жумладан, мана ҳозир Тошкент аэропортидан “ТУ-104” самолётига чиқамиз, неча соат ва қанча баландликда учамиз, ҳаво ҳарорати қанча, билет қанча туради – ҳаммасини ёзиб боришдан бошлашим керак эди. Бу билан мени зийракликка ва воқеа-ҳодисаларга эҳтиёткорлик билан қараш ва тўғри хулосалар чиқара олишимга кўмаклашган эдилар. Ҳозирги кунгача ҳам шу одат менда сақланиб қолган, кўрган-билганларимни қоғозга тушириб бораман.

Сурия Ҳожиева, жияни ва келини:

У ҳам тоғаси, ҳам қайнатаси ҳақидаги хотираларин қуйидаги сўзлар билан ифодалади:

Дунёда икки ном абадий қолур,
Дононинг сўзи-ю, ботирнинг иши.
Асрлар ўтса ҳам, эсдан чиқмас ҳеч,
Яхши сўз, яхши ном қолдирган киши.

Шундай одамлар бўладики, улар оламдан ўтсалар ҳам ўлмайдилар. Шундай олижаноб, сахий, танти, меҳр-оқибатли жаннати одамларнинг бири менинг тоғамулложоним ва қайнатам Нормуҳаммад Ҳожиев десам, асло адашмаган бўламан. “Тоға” сўзи “тоғ” сўзидан олинган экан. У киши ҳақиқий суянган тоғим эдилар. Менга қилган яхшиликларининг ҳеч бирини эсимдан чиқармайман. Бетоб бўлиб қолсам, зудлик билан дорихонадан ўзлари дори олиб келиб, “бунисини ич, унисини ич” деб, ғамхўрлик қилиб турардилар. Туққан онам дунёдан ўтган бўлсалар ҳам доимо бизларнинг аҳволимиздан бохабар эдилар. Сингиллари йўқ уйга доимо егуликлар ва кийим-бош, матолар олиб келиб турар эдилар. Қўшниларимиз “ана миллионер тоғаларингиз келаяпти” дердилар. Тоғамнинг ўзлари эмас, меҳр билан тўла қалблари миллионер эди. Барча қариндош-уруғларга меҳрибон эдилар. Жиянларининг ўқимишли бўлиб етишларида доимо ғамхўрлик кўрсатардилар. Тўнғич фарзандим Зулайҳо дунёга келганида турмуш ўртоғим Рашид армия сафида хизматда эдилар. Мени кўнглим ўксимаслиги учун фарзандимиз дунёга келган куниёқ янги чақалоққа оппок ва чиройли болалар коляскасини совға қилган эдилар. Маҳалла-кўй, қўшнилар ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Баҳор ойлари бошланиши биланоқ бир бочка оҳакни ва оқлаш чўткалари билан олиб келиб, оҳагини сўндириб қўярдилар. Наврўз арафасида барча ҳовлилар ва уйларнинг деворларини бир хилда қилиб оқлатардилар. Қўшниларнинг тўйларига бош-қош бўлиб, харажатларига кўмаклашардилар. Маҳалламиз кўчаларига асфальт ётқизиш, ободонлаштириш, хонадонларга газ, сув келтириш каби ишларнинг ташкилотчиларидан бири бўлгандилар. Маҳалла маркази биносини ва ҳовлисини барпо этиш ишларига ҳам бош-қош бўлгандилар.

Яхши инсон сифатида у кишининг номлари ҳеч қачон ўчмайди. Менинг қалбимда мангу тирикдирлар. Охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин, руҳлари биздан доимо рози бўлсин илоҳим!

Шуҳрат Ҳожиев, невараси:

Бобомни эслаганимда қалбим ифтихорга тўлади. Зеро, қанчадан-қанча кишилар ўзларининг билиб-билмасдан қилган хатолари туфайли бошларига тушган ташвишларини бобом оқилона ҳал қилиб, охир-оқибат бундай кишиларни тўғри йўлга солганликлари ҳақида мен бегона одамлар орқали воқиф бўлганман. Шулардан бири ҳақида тўхталмоқчиман. 1996 йилда мен Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасида тафтишчи бўлиб ишлаётган пайтим эди. Шу йилнинг ёз кунларидан бирида топшириқ билан Самарқандда машҳур бўлган Раим (қора) раҳбарлик қилувчи хўжалик моллари дўконини тафтиш қилишга жўнатилдим. Директор мени ва шеригимни яхши кутиб олди ва тафтиш ишларимиз учун зарур шароитларни яратиб берди. Ишни бошлаб юбордик. Орадан икки-уч кун ўтгач, менинг Нормуҳаммад Ҳожиевнинг невараси, Эркин Хўжаевнинг ўғли эканлигимдан хабар топган Раим ака биз иш олиб бораётган хонага кириб келди ва мен билан қучоқ очиб кўришди. Кейин телефон орқали вилоят Ички ишлар бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида ишлаётган укаси, подполковник Собир Ҳожиметовни ва Руслан исмли иккинчи бир укасини иш хонасига чақириб мени таништирди. Менга нисбатан бўлган бу қадар ҳурмат-иззатнинг сабаби, уларнинг отаси билан бобом жуда ҳам қадрдон бўлганликлари экан. Бобом ҳақларида жуда кўп воқеаларни гапириб бердилар. Шу воқеалардан бири, Раим ака ўзи қонунбузарлик қилиб, милицияга тушиб қолган. Бу ҳолатни Наманганда вино заводи директори вазифасида ишлаётган унинг отасидан пинҳон тутишган. Воқеадан хабар топган Нормуҳаммад бобом милиция бўлимига бориб, Раимни таъзирини беришни ва тарбияси билан ўзлари шуғулланишиларини айтиб, чиқариб олган эканлар. Муҳими шуки, биринчидан бобомнинг илтимослари ҳеч қачон ерда қолмайдиган инсон бўлган эканлар. Икинчидан эса, Раим аканинг келгусида қонунбузарликларга йўл қўймасдан, ҳалол-покиза ишлаб, йўлини топиб кетишида бобом муҳим роль ўйнаган эканлар.

Бобом ҳақларида ҳамма таъкидлаганидек, маҳалла ободончилиги, кўчаларнинг тартибли, бир хил кўринишда ва кечқурун чароғон бўлишидаги хизматларини мен ҳам эътироф этаман.

Ҳожиев Фурқат Қурилишевич, невараси:

Бобом ўта даражада меҳрибон ва эътиборли эдилар. Бошқа фарзандлари ва неваралари қатори менинг ҳам тақдиримга ҳеч қачон бефарқ бўлмаганлар. Мени иқтисодчи бўлишимни истагандилар ва Самарқанд кооператив институтида таълим олишимни хоҳлагандилар. Аммо, мен тақдир тақозоси билан тарихчи бўлдим. Ҳарбий хизматга чақирилган куним орқамдаги буюм халтамга эътибор бердилар. Уйдан янги чемодан олиб чиқиб, барча буюмларимни ўшанга тартиб билан жойлаштирдилар. Ҳарбий комиссарга учраб, мени Москвага жўнатишларини келишиб олдилар. Бобом мени ўзлари вокзалга олиб чиқиб, кузатиб қўйдилар. Мен бобом билан хайрлашдим ва бу менинг энг охирги хайрлашувим бўлган экан.

Бобом жуда оддий, камтарин, сахий, холис, сезгир, ғамхўр ва камдан кам учрайдиган, ноёб хислатларга эга инсон эдилар. Энг кўзга ташланадиган хислатларидан бири ҳаммага баробар, одамларни мансаби ёки бойлигига қараб ажратмас эдилар. Ўзлари яшаган собиқ Весенняя, ҳозирги Саййид Ризо Ализода кўчасидан ўтиб борарканлар, ўсиб ётган ток новдаларини кўрсалар, уй эгасини чақириб, ток қайчи сўраб, новдаларни кесиб берардилар, чиқиндиларни тўпланиб қолишига сира тоқатлари йўқ эди, зудлик билан олдирардилар. Сувсираган гул ва ўсимликларни суғортирардилар. Албатта, ўз навбатида хонадон эгалари бобомни ҳурмат билан қаршилашар ва берган топшириқларини зудлик билан бекаму-кўст бажаришарди.

Бобом ёз кезларида одатда оёқ яланг юришни яхши кўрардилар. Уйларига келган пайтимизда албатта бизни бирор иш билан машғул қилардилар, ҳовлини йиғиштириш, экинларни парвариш қилиш, суғориш ишларини бажариш билан биргаликда бизни

меҳнатга, гигиенага, катталарни ҳурматлаш, билим олиш, жасур бўлиш каби хислатларимизни ривожлантиришимизга кўмаклашардилар. Ҳар ҳафта бизни Панжоб “Тош ҳаммом”ига ўзлари билан олиб борардилар. Ҳаммомга бориш учун саквояжлари (махсус сафар сумкалари) бўлиб, унда қандолат, конфет ва шунга ўхшаш ширинликлар бўларди. Ҳаммомдан чиққач, албатта ширинликлар билан чой ичардик.

Бобомдан фахрланиб, ёлғиз ўғлимнинг исмини ҳам Нормуҳаммад деб қўйганман.

Ҳожиев Фарҳод Қурилишевич, невараси:

Мен хотираларимни ҳар доим ҳавас қилиб келганимдан бошламоқчиман. Менинг бобом ҳақидаги туйғуларим ёшим ўтган сайин кучайиб бораверди. Катта акаларим ва опаларим бобом билан онглироқ ёшларида мулоқот қилиш бахтига сазовор бўлишган. Ана шунга ҳавасим келади. Чунки ҳар гал бобом билан боғлиқ баъзи воқеалар ҳақида гап кетганида, мен ўзимни четда қолгандек ҳис қиламан. Албатта, бу ҳиссиётим бобомга бўлган муҳаббатимнинг юксаклиги туфайлидир.

Бобом ўз “ғурури”нинг ҳукмрони бўлиб, ўзига хос турмуш тарзига эга эдилар. Ушбу турмуш тарзлари фарзандларига ҳам ўтган. Куч-қувватга тўла бобомнинг овозларини, уй либосида юрган кезларини, ёз пайти оқ футболкада бўлганликларини, темир панжарали каравотларини ва ундаги кенг аммо ярим юмшоқ тўшакларини, ана шу каравот тепасида тинимсиз гапириб турадиган радиони ғира-шира эслайман.

Лекин мен учун бу ИНСОНнинг ноёблиги шундаки, у жамиятда, шу жумладан қўшнилар, қариндошлар, дўстлари орасида ўз мавқеига эга бўлиб, уларга муносиб даражада таъсир кўрсата оларди. Сиз нима демоқчи бўлганимни аллақачоноқ тушундингиз. Бобом барча нарсада, барча жойда тартиб бўлишини ёқтирар эдилар. Бобомдаги бу хусусиятларнинг ривожланишига шубҳасиз, собиқ масъул хизматларининг ҳам таъсири бордир.

Бобом бутун маҳаллани тартибга келтиришда самимий иштирок этардилар. Ўзлари истиқомат қилган қадрдон маҳаллалари ва кўчаларини пиёда айланар эканлар, ўсиб кетган ток новдаларини, эшик олдига тўпланиб қолган қурилиш ва чиқиндиларга уй эгаларининг эътиборини қаратардилар. Уй эгалари эса бобомнинг эътирозларини ҳурмат билан қабул қилишарди ва ўзларининг камчиликларни зудлик билан бартараф этишарди.

Бобомдаги бу фазилатлар амакиларимга, шу жумладан, менинг отамга ҳам ўтган. Отам ҳам ўзимиз яшаб турган ҳовлидаги дарахт ва гулларни мунтазам равишда тартибга солиб борадилар, қўшниларимизнинг эшик олдидаги боғчалари, гулзорларининг ҳам тартибли бўлишига эътибор қаратадилар ва ҳатто уй эгаларининг рухсати билан ўзлари тартибга солиб бериш одатлари ҳам бор.

Яқин кишиларимизнинг таърифлашларича, бобом ўз даврининг етакчи ва таъсир ўтказа оладиган, нуфузли кишиларига гапини ўтказа оладиган обрўли кишиларидан бўлганлар. Ана шу сабабли кўплаб кишилар қийинчилик пайтларида муаммоларини ҳал қилиб бериш учун ёки моддий ёрдам сўраб бобомга мурожаат қилар эканлар. Бобом уларга оталарча ғамхўрлик қилиб, ҳар қандай муаммони тўғри ва натижадор этиб ҳал қилиб берар эканлар.

Албатта, Сиз қўлингиздаги рисолада бобомнинг сурункали ва машаққатли ҳаёт йўллари, оилалари, дўст-ёрлари ҳақида маълумот олдингиз деб, ўйлайман. Мен айтиб ўтган хотираларим эса ушбу ҳаёт йўли уммонининг бир томчиси бўлиб, аллақачон менга ўз таъсирини кўрсата олган ва ҳозирда ёшим ўсган сайин янада ёрқинроқ намоён бўлиб бормоқда.

“Инсоннинг онгини у яшаб турган муҳит белгилайди”, дейишади. Бу қайсидир маънода бобомиз атрофларида яшаш бахтига муваффақ бўлган инсонларнинг онгига таъсир қила олганликларига ишонаман албатта ва бу билан фахрланаман”.

Холиқова Саодат Маматқуловна, жияни:

“Болалик пайтларимизда мамлакатимиз ҳаётида нишонланадиган турли катта-кичик байрамларни нафақат бизнинг оила аъзоларимиз, балки қўни-қўшнилар, айниқса болалар интизорлик билан кутишарди. Эртага ёки индинга байрам деган куни тоғам кичик юк машинасига совға-саломларни жойлаштириб, кўчамизга бурилган заҳоти сигнал бериб келишларини ҳамма биларди. Сигнал овозини орзиқиб кутаётган болалар ва ҳатто баъзи катта ёшдагилар ҳам чувиллашиб тўпланишарди. Машина эшигимиз олдига келиб тўхтагач, унинг юкхонасидан ширинликлар солинган картон қутилар пастга тушириларди. Тоғам тўпланганлардан бирортасини ҳам қолдирмасдан, улар яхши кўрган шоколад конфетдан улашардилар. Қолган қутилар ҳовлимизга киритиларди. Ҳовлидагилаларни ёшига қараб қатор терардилар. Совғаларни тарқатишни энг кичик ёшдаги боладан бошлардилар. Ҳар бирининг қўлига совға ва ёшига қараб, 3, 5, 10, 25 сўмдан пул берардилар. Бизни тарбиялаётган аямга тоғам жуда меҳрибон эдилар. Мен бир ёшга тўлганимда Ҳалима аям касалликдан вафот этганларидан кейин дадам Шаҳрабону аямга уйланганлар. Бу аям ҳаммамизга ўта меҳрибон эдилар. Тоғам буни яхши ҳис қилардилар ва ўз навбатида аямни ўз сингилларидан зиёддек кўрардилар. Шу сабабдан байрамларда аямга салмоқли миқдорда пул билан албатта ўша давр учун урф бўлган кийимлик матоларни ҳам совға қилардилар.

Сиёб бозорида ишлаган пайтларида харид учун бозорга борсак, бизни кўриб қолсалар албатта иш хоналарига олиб кириб, бирор тансиқ таом билан меҳмон қилардилар, магазинга олиб кириб, кийим ёки пойафзал олиб берардилар, бозор харидимизнинг пулини ўзлари тўлаб, бизни ўша даврда бозорнинг ўзигача қатнайдиган трамвайга ёки троллейбусга чиқариб қўярдилар. Байрам кунларининг ўзида уйларига борсак, албатта пул ва кийимлик матолар совға қилардилар. Тўй-маъракаларимизда эса тўёнани биринчи бўлиб ва тадбирга етадиган даражада ширинликлар, айниқса танқис бўлган шоколад билан етказиб берардилар.

Тоғам уйларига келган меҳмонни овқатлантирмасдан ёки бир пиёла чой ичирмасдан жавоб бермасдилар. Овқат емаган меҳмонни эса ёқтирмасдилар. Ўзлари кабачкилик, шолғомлик, кадилик (ошқовоқлик) таомларни яхши кўрардилар.

Тозалик ва гигиенага ўта даражада эътиборли эдилар. Ҳаво илиқ ва иссиқ кунлари эрталаб туриб тайёрлаб қўйилган хлорофосни ҳамма жойга сепиб чиқардилар. Ҳовлини ва кўчани сатил (челак) билан сувлардилар. Байрамлар арафасида кўчага катта бочка қўйдириб, оҳак эвитардилар. У даврларда уйлар оддий сомон шувоқ бўлгани учун, байрамона кайфиятни яратиш мақсадида кўчадаги бошдан оёқ барча хонадонлар деворларини, дарахтларни оқлатардилар. Девор ва дарахтлар ҳаммаси бир хилда кўзга ташланиб туриши шарт эди.

Тартиб-интизом тоғам учун биринчи даражада турарди. Ишни ўз вақтида бажаришни, дам олишни ҳам ўз вақтида бўлишини талаб қилардилар, таъминлардилар ва ўзлари ҳам шунга амал қилардилар”.

Зулайҳо Ҳожиева, невараси:

Мен ушбу катта оиланинг энг кичик қиз неварасиман. Нормуҳаммад бобомни энг суюкли кишиларимдан бири сифатида хотирлайман. Мен ҳовлимизда доимо бобомнинг ёнларида бўлардим. Бобомнинг меҳмондўстликлари, сахийликлари мен учун бир мактаб бўлган. Болалик пайтларимда ҳовлимизда нок билан чатиштирлган беҳи дарахти бўларди. Ушбу дарахтнинг меваси етилди дегунча, бобом кўчадан ўтган кишини ҳовлига таклиф қилиб, ушбу мева билан сийлаб, меҳмон қилардилар. Бобом ўта даражада оилапараст эдилар. Қанчалик турли юмушлар билан банд бўлишларига қарамасдан мени ва укаларимини боғчадан олиб келишга ҳам вақт топардилар. Мен шундай бобонинг невараси бўлганлигимдан фахрланаман.

РАСМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА



Нурмуҳаммад Ҳожиевнинг ҳовлисида олинган сурат
Ака-ука Ҳожиевлар дўстлар даврасида. 1957 йил.



Н. Ҳожиев умр йўлдоши Фотима ая билан.
1969 йил.



Расмда: Нормуҳаммад Ҳожиев оила аъзолари ва яқин қариндошлари билан.
1950 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиевнинг турмуш ўртоғи Фотима ва синглиси Ҳалима. 1937 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев қизлари Феруза, куёвлари Жавод, ўғиллари Амон ва Қурилиш ҳамда уларнинг умр йўлдошлари Санам, Замира ва Ферузанинг ўғли Баҳодир билан.
1966 йил.



Самарқанд вилоят ижроия қўмитаси раиси Синдор Ҳамроқулов, чет эллик меҳмонлар билан машҳур "Сиёб" бозорида. 1980 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев дўстлари - Самарқанд шаҳридаги 88-автобаза директори Нормамат Нурмуҳамедов ва 128-автобаза директори Мирибод Юсупов билан бирпга. 1961 йил.




Нормуҳаммад Ҳожиев ўғли Қурилиш билан Москвадаги Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильонларидан бирида. 1967 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев, ўғли Қурилиш ва Москва шаҳрида истиқомат қилган ёшлигидаги дўсти, дипломат Фаттоҳ Одилбеков билан Москвадаги "Цар колокол" ёнида. 1967 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев истиқомат қилган, Саййид Ризо Ализода номли кўча 83-уй деворидаги мемориал мармар лавҳа. 1996 йилда ўрнатилган.



Нормуҳаммад Ҳожиев Ўзбекистон пахтачилик илмий текшириш институти ходими Қурбон Мирзаев билан Тошкент шаҳридаги Ленин номли майдонда. 1964 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев умр йўлдоши Фотима ая билан келинлари, неваралари ва қўшнилари даврасида. 1982 йил.



Алимуҳаммад Ҳожиевнинг фарзандлари: пастги қаторда Мансура, Мўмина, Роҳила, юқорида Зуҳра ва Тоҳира.



Нормуҳаммад Ҳожиевнинг фарзандлари.Эркин, Феруза, Омон, Қурилиш, Давлат, Рашид. 2022 йил.



Эркин Ҳожиев турмуш ўртоғи Сайёра ҳожи она ва фаразандлари Шуҳрат, Гулноза, Ойбек билан. 2024 йил 06 сентябр.



Шуҳрат ва Жамилабегим фарзандлари Бехзод, Парвиз, Бобур-Мирзо, келинлари Севгили, Нигина ҳамда уларнинг фарзандлари Муҳаммадамин, Диёра, Нуршод билан. 2016 йил



Эркин Ҳожиевнинг невараси Шаҳзод Сатторов. 2024 йил.



Шаҳзод Сатторов ойиласи билан 2024 йил.



Нормухаммад Ҳожиевнинг бош невараси Гулноза ва қизи Гузал билан 2022 й.



Эркин Ҳожиевнинг 85 йиллиги тадбирида олинган сурат. 2024 йил 27 июль.



Нормуҳаммад Ҳожиев авлодлари вакиллари. 2024 йил 27 июль.



Ойбек Ҳожиев ойила аъзолари билан 2024 й.



Феруза Ҳожиева турмуш ўртоғи Жавод Исмоилов ва фарзандлари Баҳодир, Бахтиёр ва Бахтиёрнинг ўғли Беҳрўз билан. 2021 йил 21 август



Жавод бобо ва Феруза она қизлари Моҳигул, ўғиллари Баҳодир ва невaралари Парвона ва Хурсандой билан. 2020 йил.



Омон ҳожи бобо турмуш ўртоғи Санам ҳожи она ва фарзандлари Саодат, Санобар, Қаҳрамон билан. 2020 йил 14 август.



Полковник Қаҳрамон Ҳожиев. 2022 йил.



Омон ҳожи бобо турмуш ўртоғи Санам ҳожи она билан қавму қариндошлари даврасида. 2024 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиевнинг ўғли Қурилиш турмуш ўртоғи Замира она ва фарзандлари Фурқат, Азиза, Фарҳод билан. 1994 йил.



Нормуҳаммад Ҳожиев номли автомобиль эҳтиёт қисмлари бозори янги биносининг очилиш маросими. 1992 йил.



Эҳтиёт қисмлари бозорининг очилиш маросимида унинг таъсисчиси Давлат Ҳожиевнинг чиқиши. 1992 йил.



Давлат Ҳожиевнинг қизлари: Лола, Гулнора, Анора. 2018 йил.



Давлат Ҳожиев ўғиллари Алишер, Анвар, Мансур ва невараси Асал даврасида. 2015 йил.



Эркин Ҳожиев укаси Давлат ва унинг чеваралари – “Лезгинка” дастаси аъзолари Румиясултон, Амира, Захробону, Темурхон, Амирхон ва Алижон билан. 2022 йил.



Рашид Ҳожиев ўзининг 60 йиллик юбилейида акаси Эркин, янгаси Сайёра ҳожи она ва турмуш ўртоғи Сурия ҳамда набиралари билан.2014 йил.



Ака ука Ҳожиевлар 2024 й.
Рашид Ҳожиев ўзининг 60 йиллик юбилейи маросимида акалари Эркин ва Омон ҳожи бобо билан. 2014 йил.



Рашид Ҳожиевнинг ўғли Ҳожи турмуш ўртоғи Жамила билан. 2001 йил.



Рашид Ҳожиевнинг ўғли Алижон турмуш ўртоғи Нафиса, қизи Амира ва ўғли Темур билан. 2022 йил.




Нормуҳаммад Ҳожиевнинг ҳайкалтарош Тўлаган Ёрқулов томонидан тайёрлаган бюсти. 1992 йил.



Эркинов Бехзод Шухрат ўғли 1988 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Олий маълумотини Самарқанд Қишлоқ хўжалиги Институти “Иқтисодиёт” факултетини бакалавр даражаси, Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис Институтининг “Тармоқлар иқтисодиёти” йўналишининг магистр даражасини олган. Меҳнат фаолиятини Самарқанд шаҳридаги 2009 йилда “Ali Akbar Jahon” МЧЖда бошлаган, 2011 йилда ОАКБ “Samarqand” Банкида турли хил лавозимларда ишлаб Амалиёт департаменти директори лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. 2013 йилда “MINI MAX FINANCE” МЧЖ ташкил этиб ушбу корхонада директор лавозими фаолият кўрсатган. 2014-2015 йилларда Самарқанд шаҳри ТИФ Миллий банкнинг Регистон филиалида “Пластик карточкалар, омонатчилар билан ишлаш” шўъбаси бўйича бош мутахассис, 2015-2016 йиллар Самарқанд шаҳри ТИФ Миллий банкнинг Регистон филиалида Амалиёт ҳисоб бўлими бош мутахассиси, 2016-2018 йилларда Самарқанд шаҳри ТИФ Миллий банкнинг Регистон филиалида Амалиёт ҳисоб бўлими Бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият юритган. Ҳозирда 2018 йилдан буён “MINI MAX FINANCE” МЧЖ директори вазифасида ишлаб келмоқда. “MINI MAX FINANCE” МЧЖда фаолияти давомида турли соҳалар бўйича тадбиркорлик билан шуғилланиб келаётган корхоналарга бухгалтерия ҳизматларини кўрсатиб, шу билан бирга ёш мутахассис кадрларга ҳам билим олиши ва бандлигини таъминлаш борасида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Муаллиф ҳақида



Холов Ҳайдар Холович 1953 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.Ўрта маълумотни Самарқанд шаҳридаги 14-мактабда, олий маълумотни Самарқанддавлат университетининг русфилологияси факультетида олган. Меҳнат фаолиятини Жомбой туманидаги мактаблардан бирида рус тили ва адабиёти ўқитувчилигидан бошлаб, шу туман комсомол ташкилоти, “Билим” жамияти Жомбой, Боғишамол туман ташкилотларида, Ўзбекистон Компартиясининг Боғишамол туман ва Самарқанд шаҳар қўмиталарида масъул ходим вазифаларида ишлаган. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Боғишамол тумани партия қўмитаси қошида ташкил этилган “Давр” оммавий-сиёсий маркази директори ва 33 йил давомида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари, ижрочи директори вазифаларида ишлаб, шу ердан пенсияга чиққан. Ҳозирги кунда ушбу ташкилотда яна ижрочи директорлик фаолиятини давом эттириб келмоқда. 1994-2002 йилларда жамоатчилик асосида “Панжоб” маданий-маърифий маркази директори, 2013-2022 йилларда “Ўзбекистон-Эрон” дўстлик ва маданий алоқалар жамияти Самарқанд бўлимининг ижрочи директори сифатида фаолият олиб борган. “Мурувват йўлида”, “Дурга айланган қатра”, “Хўжасаҳат ва хўжасаҳатликлар” китобларининг муаллифи. Тарихчи олимлар Фотима Алиева ва Саъдулло Шариповлар берган маълумотлар асосида “Ватан ягонадир, Ватан биттадир” номли китобни ўзидаги маълумотлар ҳамда суратлар билан бойитиб компьютерда терган ва нашрга тайёрлаган. 2024 йилда ушбу китобнинг иккинчи қисмини кенгайтирилган ва янги маълумотлар билан тўлдирган ҳолда нашр эттирган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ.....3
АЖДОДЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ. 4
МУНОСИБ АВЛОДЛАР.....6
УСТОЗЛАР ИЗИДАН.....23
НОРМУҲАММАД ҲОЖИЕВНИНГ ОИЛАСИ ВА ФАРЗАНДЛАРИ.....27
ҲОЖИЕВ НОРМУҲАММАД БОБОНИ ЭСЛАБ.....48
РАСМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА 61

Муаллиф Холов Ҳайдар Холович ва Эркинов Бехзод Шухрат ўғлига ушбу рисолани тайёрлашда ва чоп эттиришларидаги меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирамиз.